Илм—ўзни билмакдир

МАҒРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси | 1931 йилдан чиқа бошлаган | 1994 йил 13 апрель, чоршанба | № 20 (6607). Ваҳоси сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Пул муомаласини мустаҳкамлаш ва «сўм-купон»нинг харид қувватини ошириш борасидаги кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди.

1994 йил — Мирзо Улуғбек йили: Олим, одил, ғолиб ва ҳимматли подшоҳ Улуғбек Кўрагон... юлдузлар илмида осмон қадар юксалиб борди, маоний илмида қилни қирқ ёрди.

Профессор Пўлат Мансуров жадвалида Менделеев элементлар даврий системасидаги каби ҳамма элементлар бир-бири билан боғлиқ ҳолда кетма-кет жойлаштирилган.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Ҳунар-техника билим юртлари ёшларга касб-кор ўргатувчи, халқ хўжалигининг турли соҳаларини ишчи-мутахассислар билан таъминловчи асосий масканлардан ҳисобланади. Бироқ узоқ йиллар мобайнида бу даргоҳлар корхона ва ташкилотларнинг малакали ишчиларга бўлган талаб-эҳтиёжини қондиролмай келди. Боз устига, битирувчиларнинг аксарияти ўз касбининг ҳақиқий устаси бўлиб етишмасди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Биринчидан, ҳунар даргоҳлари билан завод-фабрикалар, хўжаликлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўқ эди. Билим юртлари ўзлари жойлашган ҳудуд учун зарурми-йўқми, бундан қатъи назар, маълум йўналишлар бўйича ишчилар тайёрлаб чиқараверадилар. Қолаверса, битирувчиларнинг келгуси тақдири билан қизиқмасдилар. Оқибатда собиқ талабаларнинг кўпчилиги ўзлари яшайдиган жойда мутахассислиги бўйича иш тополмай бошқа касбнинг этагидан тутишга мажбур бўлардилар. Айни чоғда эса бошқа бир ердаги қайсидир корхона ёки ташкилот худди шу касб эгаларига муҳтожлик сезарди. Иккинчидан, ҳунар-техника билим юртлари зиммасига талабаларга ўрта маълумот бериш масъулияти ҳам юклатилганди. Шунданми, мактабдар аксарият ҳолларда ўзлаштириши суст, ҳулқи ёмон ўқувчиларни уларга йўллардилар. Бу ҳоллар ҳунар масканларини асосий вазифасидан чалғитиб, малакали ишчилар тайёрлаш ишини мураккаблаштирарди.

Кейинги пайтларда мамлакатимизда ушбу муаммоларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрила бошланди. Чунончи, жумҳурият Халқ таълими вазирлиги 1992 йил 23 июлда Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси қошида тажриба тариқасида вилоят ҳунар-техника таълими ўқув-ишлаб чиқариш бирлашмасини ташкил этиш ҳақида буйруқ чиқарди. Кейинчалик бу бирлашма ҳунар-техника таълими Комплексига айлантирилди. Уни тузишдан мақсад вилоятдаги корхона-ташкилотларнинг юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш, ўз касбининг моҳир усталарини тайёрлаш, ҲБЮларнинг ўқув-моддий негизини мустаҳкамлаб, кенгайтириш, бойитиш ва қайта жиҳозлаш асосида касбга тайёрлаш сифатини яхшилаш, хўжалик ҳисобидаги ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш, ҲБЮлар ва буюртмачиларнинг ўзаро моддий қизиқиш-масъулиятларини ошириш, уларнинг ўзаро шартнома асосида иш юритишини йўлга қўйишдан иборат эди.

Хўш, ўтган давр ичида бу вазифалар нечоғли уддаланди? Амалга оширилаётган ишларнинг илк самаралари қандай бўлмоқда? Халқ таълими вазирлигининг ўтган жума куни бўлган навбатдаги ҳайъат йиғилишида ана шу масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Унда Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Олег Тожиев, унинг муовини Акмал Йўлдошев, Комплекс раҳбари Абдусами Абдуғаниев бу борада амалга оширилган ишлар, ютуқ ва муаммолар ҳақида сўзлаб бердилар. Вазирлик ўқувишлаб чиқариш, компьютерлар ва бозор тузилмаларини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Сойбжон Алиев йиғилганларни махсус бригада томонидан Комплекс фаолиятини текшириш якунлари билан таништирди. Муҳокамаларда Ўзбекистон халқ таълими вазирининг муовини Баҳром Қодиров, ҲТТ Бош бошқармаси бошлиғи Виктор Шарипов, ҲТБЮ илмий текшириш институти ректори Ҳикматулла Рашидов, Тошкент вилояти ҳокимининг муовини Ҳакимжон Ҳамидовлар сўзга чиқдилар. Нотиқларнинг таъкидлашларича, Комплекс томонидан мақсадга эришиш борасида бир қанча ишлар бажарилган, билим юртларини махсуслаштириш ва такомиллаштириш бўйича муайян ишлар бажарилган. Ишчи кадрларга бўлган талаб, мавжуд касбларга тайёрлаш ва ҲБЮлари ўқув-моддий негизининг аҳволи чуқур таҳлил қилинган. Шу асосда Тошкент вилоятида ишчи-кадрлар тайёрлашни ривожлантиришнинг 1993—1997 йилларга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилган. Ишчи кадрларни тайёрлаш сифати анча яхшиланган, битирувчиларни ишга жойлаштириш кўрсаткичлари барқарорлашган, икки ва ундан ортиқ мутахассислик бўйича таълим олувчи талабалар сони ошган. Ангрендаги 33-ҲБЮ, Бекободдаги 35-ҲБЮ узоқ йилларга мўлжалланган шартнома асосида Марказий Осиё кўмир ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Ўзбекистон металлургия заводининг ишчи-мутахассисларга бўлган талабларини қондириш, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини бажармоқда.

Комплекс саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда, ўқув устахоналари негизида пулли хизмат кўрсатишни ташкил этишда ҳам сезиларли ривожланишга эришган. Ўқувчиларнинг иш ҳақларидан тушаётган даромадлар кўпайган. Лекин унинг фаолиятида қатор камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилган. Имконият ва шарт-шароит бўлишига қарамай, дастурни тезкорлик ва фаоллик билан бажариш чора-тадбирлари кўрилмаган. Ўқуврежа ва ҳисобот ҳужжатлари юритишда жиддий камчиликлар учрайди. Таълим сифатини оширишга янгича ёндашишда, ўқув-тарбия жараёнини замонавий талаблар асосида олиб боришда лоқайдлик сезилади. Билим юртлари ўқув устахоналари негизида хўжалиқ ҳисобидаги бўлинмаларни ташкил этишга кам аҳамият берилаяпти. Ҳайъат ушбу масалаларни бартараф этиш юзасидан қарор қабул қилди.

Шу куни йиғилишда яна бир муҳим муаммо — «Республика таълим тизими муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини услубий таъминлашнинг аҳволи ва уни такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги масала ҳам кўрилди. Бу ҳақда вазирликнинг Давлат таълими стандартлари Республика инспекцияси бошлиғи Рустам Аҳлиддинов ахборот бериб, янгича шароитда мактабларни, мактабгача ва мактабдан ташқари тарбия муассасаларини, отаоналарни зарур методик қўлланмалар билан таъминлаш, уларнинг ўз вақтида жойларга етиб боришини ташкил этиш, юқори ва қуйи мутасадди ташкилотларнинг ушбу борадаги алоқаларини йўлга қўйиш, методистларнинг масъулиятини ошириш ҳамда моддий-маънавий рағбатлантириш хусусида сўз юритди. Муҳокамаларда Бухоро вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институти директори муовини Йўлдош Асадов, Сирдарё область халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Худойбердиев, РУММ директори Шомухтор Шомансуров, Республика Президенти девонининг масъул ходими Эркин Сатторов ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ҳайъат йиғилишида бошланғич синфлар концепцияси ҳам тасдиқланди. Йиғилишни халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев бошқариб борди.

Амир Темур портрети.

Рассом М. НАБИЕВ.

ИБРАТ ЗИЁСИ

Буюклик — мангулик ёлқини. Унинг нурафшон зиёсини на зулмат, на тўфон, на даврлар буҳрони тўса олади. У ибрат тимсоли янглиғ асрлардан асрларга, насллардан насларга етиб, эл эъзозига сазовор бўлаверади, авлодлар қалбида шуқуҳ, ғурур ва ифтихор туйғуларини жўштираверади, эл-юртга, Ватанга, боболар ишига садоқатга чорлайверади. Куни кеча — 9 апрель куни таваллуд топган куни бутун ўлкамизда кенг нишонланган ҳазрат соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳам шундай буюк зотлардан.

Кўҳна тарихнинг ўчмас саҳифалари гувоҳлик беришича, соҳибқирон бобомиз миллий бирлик асосида Моровуннаҳрда кучли ва қудратли давлат яратди. Унинг адолатли ҳукмдорлиги, саркардалик маҳорати, даҳо сиёсатдонлиги мағрибдан машриққача достон бўлди. У юрт маъмурчилиги, мамлакат ободлиги, эл осойишталиги, Ватан фуқаролари шуҳрати учун Оллоҳ берган ақлу заковатини, ҳарбий маҳоратини, куч-ғайратини сафарбар этди.

Улуғ бобокалонимизнинг эзгулик йўлидаги ишлари туфайли буюк Турон гуллаб-яшнади, илм-фан, маданият мисли кўрилмаган даражада равнақ топди. Кўкка кўкрак керган минорали кошоналар, мадрасалар, боғлар, шаҳар ва роботлар яралди, илм шаҳаншоҳи бўлган олимлар, сўз мулкининг султонлари бўлган шоиру фозиллар жаҳонга танилди.

Темурийлар сулоласининг муносиб давомчиси Муҳаммад Тарағай Улуғбек шоҳ сифатидагина эмас, фалакиёт илмининг соҳибқирон олими сифатида ҳам жаҳонга танилди. Буюк бобомиз таваллудининг 600 йиллигига тайёргарлик кўрилаётган, 1994 йил Улуғбек йили деб эълон қилинган айни кунларда мустақил Ўзбекистонимиз меҳнат аҳли улуғ олимнинг мангулик ёлқинидан баҳраманд бўлаётганлигини эҳтиром билан изҳор қилмоқда.

Келажаги буюк Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида фидойилик кўрсатаётган халқимиз учун буюк аждодларимизнинг мангулик даҳоси ҳамиша ибрат ёлқини бўлиб порлайверади, элимиз эса буюк бобокалонларига ҳамиша таъзим бажо келтираверади.

(Мирзо Улуғбекка бағишланган мақолаларни газетамизнинг учинчи саҳифасида ўқийсиз).

«Маърифат» хабарлари

КЕНГАШИБ ОЛИНДИ

Яқинда Ўрта Чирчиқ туманидаги Низомий номли 30-ўрта мактабда «Таълим тўғрисида»ги қонундан келиб чиққан ҳолда «Дарс жараёнида таълимнинг ноанъанавий усулларини қўллаш» деган мавзуда туман мактаблари илмий бўлим мудирларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Таълим жараёнининг асосий таркибий қисмларидан бири бу —дарсдир. Шунинг учун уни таҳлил этиш, билимдон, юқори малакали мутахассисларга топшириш мактаб раҳбарлари, айниқса, илмий бўлим мудирларининг диққат марказида эканлигига илмий бўлим мудирлари ташкил этилган ноанъанавий дарс усулларини кўриб ишонч ҳосил қилдилар. Мусиқа тўғараги аъзолари иштирокида «География фанидан билимингни сина!», «Улуғбек давлат арбоби ва олим» деган мавзуларда адабий ва мусиқий кечалар ўтказилди.

Кенгаш сўнгида «Таълим тўғрисида»ги Қонунга амал қилишда мактаб раҳбарларининг роли, таълим мазмунини янгилаш ва география дарсларида таълимнинг ноанъанавий усулларидан фойдаланиш масалалари кенг ва атрофлича муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилинди.

Семинар-кенгашда Қори-Ниёзий номидаги педагогика илмий-тадқиқот институти бўлими мудири, доцент П. Мусаев, Республика ўқув-методика маркази педагогика ва психология бўлими мудири Ҳ. Хўжахоновлар иштирок этишди.

Зарифа ОРЗИБОЕВА,
Республика ўқув-методика маркази педагогика ва психология бўлими етакчи мутахассиси.

АДИБ ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ

Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги Абдулҳамид Чўлпон номидаги мактабда атоқли ёзувчи Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб адабий кеча ўтказилди. Кечада юқори синф ўқувчилари ўзлари тайёрлаган саҳна кўринишлари ҳамда бадиий ўқишлар орқали билим ва маҳоратларини намойиш қилдилар. Айниқса, 11- ва 9-«А» синф ўқувчилари ижросидаги «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» асарларидан саҳналаштирилган парчалар кўпчиликка манзур бўлди. Ўқув даргоҳининг бадиий тўгарак раҳбари К. Рустамов, мусиқа ўқитувчиси Х. Йўлдошев ва кутубхона мудираси Б. Абдулазизовалар кечани ташкил этишда ўқувчиларга яқиндан ёрдам беришди.

О. ОТАБОЕВ.

Миллий имло минбари

БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЎТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида янги алифбога босқичма-босқич ўтишнинг давлат дастури ва тартиби асосида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини амалда жорий этишга доир аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилганми, 1995 йил 1 сентябрдан эътиборан мактабгача тарбия болалар муассасаларида ва умумтаълим мактабларининг биринчи синфларида янги алифбо бўйича машғулотлар бошлаш, қолган синфларда эса факультатив машғулотлар ташкил этиш мумкин дейишга етарли асослар борми?

Республика ўқув-методика марказининг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 2 сентябрдаги «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақидаги қарорини бажариш юзасидан ўтказилган семинар-кенгашда ана шу ҳақда сўз юритилди.

Кенгашни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш бўйича Республика давлат комиссияси раиси ўринбосари Жўра Йўлдошев кириш сўзи билан очди. Хусусан, у янги алифбога ўтиш бўйича вазирликда амалга оширилган ишлар, келгусида бажариладиган юмушлар кўлами, янги алифбонинг афзал томонлари ҳақида гапириб, кадрлар тайёрлаш ва бошқа масалаларга атрофлича тўхталиб ўтди.

Семинар-кенгашда Қори-Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ директори Даврон Шодиев, А. Авлоний номидаги ХТХМОМИ ректори, профессор Ғайрат Шоумаров, Республика ўқув-методика маркази директори Шомухтор Шомансуров, Қори-Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ катта илмий ходими, педагогика фанлари номзоди Йўлдош Абдуллаев, Ўзбекистон Республикаси ФА Тилшунослик институтининг директори Азим Ҳожиев, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти профессори Боқижон Тўхлиев ва бошқалар сўзга чиқиб, лотин ёзувига ўтиш юзасидан олиб борилаётган илмий-амалий тадқиқотларнинг бориши, янги алифбони ўргатувчилар тайёрлаш ва малакасини ошириш, янги алифбо асосида дастурлар, дарсликлар, ўқув ва кўргазмали қўлланмалар ҳозирлашнинг аҳволи, янги алифбо ва имлони ўргатиш усуллари, имло қоидаларининг баъзи жиҳатлари, янги алифбога ўтишда имло луғати, луғатчилигимиздаги айрим муаммолар ва уларни ҳал этиш йўл-йўриқлари каби масалалар ҳақида батафсил гапирдилар.

Шунингдек, кенгашда Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Жўра Халилов ҳамда Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ҳасан Нормуродовларнинг вилоят халқ таълими бошқармаларида янги алифбога ўтишга тайёргарликнинг бориши ҳақидаги ҳисоботлари тингланди.

Маърузаларда таъкидланганидек, 1995 йил 1 сентябрдан эътиборан умумтаълим мактабларининг биринчи синфларида янги алифбо бўйича машғулотлар бошланади. Шу қаторда 4-синфларда ҳам янги ёзувни ўрганишга киришилади. Худди шу тартибда:

1996—97 ўқув йилида 2-, 5-синфлар,

1997—98 ўқув йилида 3-, 6-синфлар,

1998—99 ўқув йилида 4-, 7-синфлар,

1999—2000 ўқув йилида 8-, 9-, 10-, 11-синфлар янги алифбода таълим ола бошлайдилар. Бунинг учун Республика ўқув-методика марказида барча тилларда ўқийдиган мактаб ўқувчиларини ўқитиш учун 337 номда дастур ва дарсликлар, методик қўлланмалар нашр этиш режалаштириляпти.

Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтиш Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларда тўлиқ тугалланади. Бу нарса ишчанлик кайфиятида ўтган семинар-кенгаш руҳидан сезилиб турди.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.

Очиқ мулоқот

ИЖОД ЙЎЛИ

Яхшилик—яхшилик қилмоқдан бошланади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг номини эшитганимизда, чеҳрамизга табассум ёйилиши, кўнглимиз чароғон бўлиши муқаррар. Чунки унинг яхшилик кўрмоқ йўлида қилган саъй-ҳаракатлари натижасида ёзилган асарлари, аниқроғи, турмуш уринишларида чеккан ситамларининг эмас, балки тўкилган пешона терининг мевалари бўлмиш асарлари кечмиш-кечирмишимизнинг ёрқин кўзгусидир. Унинг кулгусида ҳам аччиқ ҳақиқат аёнлиги шундандир.

Республика Ўқитувчилар уйида ўтказилган анъанавий очиқ мулоқотда бугунги кун дастурининг мукаммал бўлиши, ўқувчиларга атрофлича билим берилиши учун ўқитувчилар нималарга эътибор қилишлари кераклиги ҳақида фикр алмашилган бўлса-да, йиғилганлар кўнглида қадрдон инсон, дилкаш адиб билан учрашув онлари жуда узоққа, жуда ҳам кўпга чўзилиш истаги бисёр эди. Адибнинг турмуш ўртоғи, севимли шоирамиз Саида Зуннунова ҳақидаги фильм билан бошланган кечада «Келинлар қўзғолони» ҳам намойиш этилди. Шундан сўнг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов адибнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида гапирди.

— Чинакам ижодкор қандай бўлиши керак, деган савол мени тез-тез ўйлантиради. Ёзувчини элга танитган, манзур қилган нарса нима? Асарларнинг бадиий қийматими ёки уларнинг қанчалигими? Одамлар кўнглидан қандай жой олгани ёки таржима ва кўп жилдли китобларининг ўзига хос залвори ва салобатими? Саид Аҳмад буларнинг ҳаммасига эришган. Фалончининг келини Соттига ўхшар экан, фалончининг қайнонаси Фармонбибидан қолишмайди, деган гапларни эшитмоқнинг ўзи ҳам Саид Аҳмаднинг қаҳрамонлари аллақачоноқ эл орасида яшай бошлаганидан далолатдир.

— Саид Аҳмад машаққатли йўлни босиб ўтди,—деди адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров.— У йигит ёшига етганида отасини халқ душмани деб қамашди. Бетакрор шоира, адиба Саида Зуннунова билан турмуш қураман деб турганида, акасини бадарға қилишди. Улар тўй қилишиб, ҳали тузук яшаб улгурмай, ўзини қамашди... Саид Аҳмаднинг ижод йўли жасорат йўлидир!

— Саид Аҳмад асаларига ўхшайди,— деди таниқли ёзувчи Носир Фозилов.— Гулларнинг нектарини топиб, асал йиғади ва уни одамларга улашади. Одатда устозлар шогирдни эмас, шогирдлар ўз устозини танлайди. Саид Аҳмадни 56-йилдан бери биламан. Ўзига ҳужумлар бўлганида, асарларига хуружлар бўлганида... ёнида эдик. Ҳақиқат ғалаба қозонди. Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романи, қатор саҳна асарлари халқ мулкига айланди.

Ўзбекистон халқ таълими вазирининг ўринбосари Баҳром Қодиров Саид Аҳмад ижодининг мактаб ҳаётига таъсири хусусида сўзлади:

— Таниқли адиб ижодини ўқувчиларимиз 7 ва 8-синфларда ўрганишади. Еттинчи синф ўқувчилари ёзувчи ҳаёти ва ижоди ҳақида тушунча олиш билан бирга лаганбардор ва манфаатпараст шахс образи тасвирланган «Қоплон» ҳамда ишлаб чиқариш ҳам мафкурага мослаштирилган социалистик тузум тартибларини жонли бадиий бўёқларда акс эттирган «Собиқ» ҳикояларини ўрганадилар.

Саккизинчи синф ўқувчилари эса халқимизнинг Улуғ Ватан уруши давридаги мураккаб ҳаёти ҳаққоний тасвирланган «Уфқ» романи ҳақида тасаввурга эга бўлишади. Бир сўз билан айтганда, мустақил мамлакатимиз келажак авлодини тарбиялашда Саид Аҳмад ижоди катта аҳамиятга эгадир.

— Нимаики ёзган бўлсам, қандай ва қанча ёзган бўлсам, ҳаммаси меҳрибон устозларимнинг меҳнати, уларнинг меҳру муҳаббати самараларидир,— деди Саид Аҳмад учрашув сўнгида.—Чунки мен билимли, ўқимишли оилада таваллуд топганман. Отам ўз пулига рус-тузем мактаби очиб, ўзбек болаларини ўқитган эди. Акамни эҳтимол танирсиз. Инъомжон Ҳусанхўжаев. Улар биринчи марта ўзбек стенография мактабини очгандилар. Отамнинг севган машғулотлари овчилик эди. Бўстонлиққа чиққанларида Элбек исмли йигит билан танишиб қоладилар. Кўп ўтмай Элбек бизнинг уйда яшай бошлади. Унинг олдига Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Фитратлар тез-тез келиб турарди. Мен уларнинг суҳбатидан воқиф бўлиб, эҳтимол, шу сабабдандир, ёзувчиликка ихлос қўйганман.

Учрашув сўнгида таниқли адиб ўқитувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди. «Сиз билан биз янги тарих яратаётирмиз,— деди ёзувчи,— янги замон авлодини тарбиялашдек шарафли ва масъулиятли вазифа ҳамма давр муаллимларига ҳам насиб этавермайди. Шунинг учун сизларга, энг аввало, ижодий жўшқинлик, матонат ва фидойилик тилайман!».

У. АБДУАЗИМОВА.

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси адабиёт дарсликларига асарлари кирган адиблар туркумидаги навбатдаги учрашувни ўтказади. Бу галги очиқ мулоқот Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон халқ депутати Пиримқул Қодиров билан бўлиб ўтади.

Учрашув шу йил 20 апрель куни соат 15.00 да Республика ўқитувчилар уйи (Ўзбекистон кўчаси, 80-уй)нинг мажлислар залида бўлади.

Очиқ мулоқотга тил ва адабиёт ўқитувчилари, барча қизиққан ўртоқлар таклиф қилинади.

Миллий таълим ҳақида ўйлар

ИНСОН КАМОЛИ ОДОБДАН

Мустақиллик туфайли ҳаётимизда туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Барча жабҳада бўлганидек, маориф соҳасида ҳам чуқур ислоҳотлар амалга оширилаяпти. «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ва уни рўёбга чиқаришнинг кенг кўламли ишлари бунинг далилидир. Бироқ туб ўзгаришлар қатор муаммоларни ҳал этишни, асосли мезонлар замирида иш юритишни, онгимизни социализм юқтирган «занг»лардан тозалашни тақозо этаётир. Ана шу фаолият жараёнида асосий мақсадимиз миллий таълим масалаларини ҳал этишга қаратилар экан, биринчи навбатда бу борадаги вазифаларимиз нималардан иборат эканлигини аниқлаб олиш керак бўлади. Аввало, миллий таълим нима? У ўзига таълимнинг қандай мазмун ва шакларини қамраб олади? Менимча, ёшларга давлат тилини, чет тилларини пухта ўргатиш, уларни табақалаб ўқитиш, миллий одоб-ахлоқни сингдириш, миллат тарихини ва унинг қадриятларини англатиш, ўғил-қизларга меҳнат таълими беришда миллий ҳунармандчиликларга ўргатиш кабилар миллий таълим мазмунини ташкил этади.

Маълумки, ўзбек тилига давлат тили мақоми бежиз берилмади. Шу боис миллий таълимни йўлга қўйиш, миллий мактабга пухта замин ҳозирлаш учун, энг аввало, мактабларда ўзбек тили ўқитилишига катта эътибор бермоқ зарур. Буни қуйи синфлардан — «ҳуснихат»дан бошлашимиз лозим. Юқори синфларда кўпроқ соатлар ажратиш, имкони борича қўшимча соатлардан ҳам фойдаланиш керак. Ҳозир 2-синфларга ҳафтасига бир соат «Ҳуснихат» ажратилиб тўғри иш қилинган. 3, 4, 5, 6, 7, 8-синфларга ҳам шундай қилинса, айни муддао бўлур эди.

Миллий таълимда табақалаштириш давр талаби эканлиги аниқ сезилиб бормоқда. Бу, аввало, икки йўналишда — мактабда у ёки бу фанни чуқур ўрганиш ва махсус мактаб-интернатларда ўқитиш орқали амалга оширилаётир. Бунда ўқувчилар қобилияти ва хусусиятларини ҳисобга олиб махсус дастурлар асосида ўқитиш, жисмоний тарбия дарсларида қизлар билан алоҳида машғулот ўтиш кабиларга эътиборни қаратиш зарур бўлади.

Таълим жараёни ихтисослашган бўлишидан қатъи назар, у ўз таркибида тарбияни мужассамлаштириши шарт. Шу жиҳатдан қараганда, одобноманинг мактаб дастуридан ўрин олгани қувонарли бўлди. Бу соҳада илк дарслик яратишга улгурган фарғоналик тажрибали маорифчи Т. Қурбонов, сирдарёлик мактаб директори М. Розиқовларга ташаккур айтгимиз келади. Лекин, биринчидан, бу дарслик (айниқса, М. Розиқов дарслиги) ҳали мукаммал эмас. Иккинчидан, дастурда фақат 10-синфларга ҳафтасига бир соат дарс берилган. Ваҳоланки, одобнома 5-синфлардан бошланса, фойдадан ҳали бўлмас эди. Чунки халқда: «Экин жамоли офтобдан, инсон камоли одобдан», деган жуда мантиқли нақл бор.

Ўтмишда ота-боболаримиз қадр-қиммат, ор-номусни кучли ҳис этганларидан етти пуштини яхши билганлар. Бизнинг ҳозирги ёшларимиз жуда нари борса, 2-3 аждодини билади, холос. Тарихимизни билиш ҳам худди шундай. Ҳолбуки, ўтмишни яхши билмай туриб, аждодлар қадрига, бугунги истиқлол, истиқболлар қадрига, қолаверса, инсоний қадриятларимиз қадрига ета оларманми? Шу боисдан миллий таълим жараёнидаги адабий, маданий меросга муносабатни шакллантиришда юқорида қайд этилган мавзуларга алоҳида аҳамият бермоқ талаб этилади.

Республикамизда тарбиянинг миллий асосга қурилмоғининг яна бир шарти ўқувчиларга чет тиллари кўникмасини бериш ҳисобланади. Бунда жаҳон миқёсига чиқиш учун лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўзлаштириш, рус тилини ўрганишни ҳам изчил давом эттириш, шу билан бирга, форс, араб, инглиз, немис ва туркий тилларни чуқур билиш муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, қайси бир жамиятда ижтимоий ўзгаришлар юз берса, мактаб шу жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб, ўша жамиятга хизмат қилади. Бугун ўз мустақиллигига эришган, тараққиётнинг бозор иқтисодиёти йўлини танлаган Ўзбекистоннинг маориф соҳасидаги ислоҳоти ҳам туб янгиланиш йўлидан бормоқда.

Фанларни ўқитишда миллий анъаналар, урф-одат, удум тарбиясини кенг қўллаш керак. Лекин буни маҳаллий шароитни ҳисобга олиб, амалга оширмоқни унутмаслик лозим. Чунки шундай қилганда, ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида кўзга кўринмас «тўсиқ» пайдо бўлмайди. Айниқса, ўқувчилар дарсда олган назарий билимларини амалда қўллашга ҳаракат қиладилар. Уларда ўтмиш авлодларидан яхшигина мерос бўлиб ўтган ўзбекона анъана, урф-одатлар, удумларимизга меҳр-муҳаббат уйғонади.

Халқимизда «Ҳунар-ҳунардан унар» деган мақол бор. Ота-боболаримизнинг қадим-қадимдан ҳунарманд бўлиб ўтганликларини ва улар қилган ишларни синчиклаб кўздан кечирадиган бўлсак, ҳозир биз бу соҳада анча ортда эканлигимизни тан оламиз. Аниқроғи, ҳозирги меҳнат дарслари ўқувчи-ёшларга етарли малака кўникмаси бераётгани йўқ. Айни вақтда эса ҳунарли бўлиш ниҳоятда зарур. Чунки ҳунарли одам ҳеч қачон хор-зор бўлмайди. Бас, шундай экан, меҳнат дарсларини қайта ислоҳ қилиб, миллийликка кенг йўл очиб бериш лозим бўлади. Масалан, дарсларда нақш ўймакорлик санъати, чизиш, ганч ва ёғочга ишлов бериш, кулолчилик, деҳқончилик ишларини эгаллаш, қизларга попопчилик, тўқиш, бичиш-тикиш, дўппидўзлик, йигирув, новвойлик, гул солиш, шолча ва гиламлар тайёрлаш каби миллий ҳунарларни ўргатиш лозим. Неажабки, бешиксозлик, сандиқчилик, аравакашлик, кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, шинам ва ялтироқ пичоқлар-у, қулингўргилсин уй-рўзғор, деҳқончилик буюмлари ҳунармандчиликлари йўқолиб қолаёзди. Галдаги вазифа ана шуларни қайта тиклаб, ота-боболар руҳини шод этишдан иборат.

Ва ниҳоят, мактабдан ва синфдан ташқари ишларда миллий таълимни йўлга қўйишни яхшилаш керак. Баъзи жойларда бу иш «ташкилотчиники» деб, унинг ўзига ташлаб қўйишади. Бу яроқсиз қоидадан қочиш керак. Мактабдан ва синфдан ташқари ишларга маъмурият, ташкилотчи, кашшофлар етакчиси, синф раҳбари, фан ўқитувчилари ва ота-оналар — барча масъулдир. Шунда, айтайлик, унча-мунча намунали ишларни қилса бўлади. Республикамизнинг айрим туманларида мактабдан ва синфдан ташқари ишларни ташкил этишда дурустгина тажрибалар ҳам бор. Яқинда Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги 2-, 27-, Тожикистон Республикаси Нов қўрғонидаги 12-, Тошкент вилоятининг Бекобод туманидаги 2-ўрта мактабларда бўлиб, мактабдан ва синфдан ташқари ишларда миллий таълим қандай йўлга қўйилганлиги билан қизиқдим. Сирдарёлик ўртоқлар ўз ўлкаларини ўрганганлиги ҳақидаги видеофильмни намойиш этишди. Новлик ҳамкасблар ташкил этган шоир Аширмат Эгамназаров музейи, мактаб саҳнасида жаранглаган халқ оғзаки ижоди намуналари бошқа жойларда камдан-кам учрайди. Бекободликлар уюштирган «Темур бобомиз ва унинг авлодлари» баҳс-мунозараси ғоят қизиқарли бўлди. Демак, ишласа, қилса, амалга оширса, бўларкан. Бунинг учун фақат педагогик жамоада ижодий изланиш, қизиқиш, иттифоқлик, ёш авлод олдида чуқур масъулият ҳисси бўлиши зарур.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, ҳозирча миллий мактабларга замин тайёрлаш, миллий таълимга ўтиш сust бормоқда. Масалан, мен ўзим кўриб, билиб юрган Бекобод туманини оладиган бўлсак, тумандаги 56 та мактабнинг кўпчилигида миллий мактабга ҳозирлик кўрилаётгани йўқ. Бунинг сабабини сўрасангиз, кўпчилик мактаб раҳбарлари шароитни рўкач қилишади. Қулай шароитни кутиб, қўл қовуштириб туриш керакми? Ахир ёш авлод тарбияси кутиб турмайди-ку!

Умуман, бугунги мафкурамиз ва миллий таълим жараёни мустақил Ўзбекистонимизнинг эртанги кунги истиқболини белгиловчи муҳим омилдир. Бу қанчалик тез йўлга қўйилса, республикамизнинг ижтимоий, маданий, иқтисодий ва сиёсий тараққиётига шунчалик ижобий таъсир кўрсатади. Демак, миллий таълимни имкони борича яхшироқ йўлга қўйиш бугунги долзарб вазифамиздир.

Расулжон ЮНУСАЛИЕВ,
Ўқитувчи.

ЎН УЧ ҚАЛДИРҒОЧНИНГ БИРИ

Ўттизинчи йиллардаги аёвсиз қатағонлар гирдобига энг аввало халққа савод ўргатувчи, илм ва билим берувчи муаллимлар, педагоглар ташланди. Биргина Фарғона музофотидан 381 ўқитувчига «миллатчи» деган айбнома қўйилиб, ярмига яқини отиб ташланди, қолганлари турли муддатларга қамоқ жазосига ҳукм этилди. Жабрдидалар сафида таниқли математик, педагог олим Раҳимжон Отажонов ҳам бор эди.

У 1902 йили Фарғона вилоятининг Чимён қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келди. 1916 йили Фарғона шаҳрида очилган биринчи ўзбек совет мактабида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва Қори-Ниёзийдан илк сабоқ олди.

1917 йили Қўқонда тарихчи олим, профессор Пўлат Солиев ҳамда филолог-журналист Ашурали Зоҳирийлар бошчилигида ва уларнинг маблағлари эвазига «Дорил-муаллимин» — тўлиқсиз ўрта мактаб очилади. 1920 йили «Дорил муаллимин» базасида Қўқон педагогика таълим-тарбия техникуми ташкил топади ва унга Т. Н. Қори-Ниёзий мудирлик қилади. 1924 йили шу билим юртини бир неча йил қиз тамомлади. Улар «13 қалдирғоч» номи билан тарихда қолди. Шулардан бири Раҳимжон талабалик чоғларидаёқ эътибор қозонди. Кейинчалик шу ерда ўқитувчилик қила бошлади. Айни чоғда техникум ҳузуридаги «Намуна» мактаб-интернатида мураббийлик қилиб, ҳисоб ва ахлоқдан дарс берди. Шунингдек, саводсизликни тугатиш, ер-сув ислоҳотини ўтказиш каби ишларда ҳам фаол иштирок этди. 1926—1930-йилларда Фарғона вилоят педагогика техникумига директорлик қилди, шу билан бирга ҳар йили ёзда 400—500 кишилик ҳаракатдаги такрорий таълим-тарбия курсларида мудир ва ўқитувчилик вазифаларини бажарди.

Хуллас, Раҳимжон Отажонов, қаерда ва қандай вазифада ишламасин, ўқишни, ўз устида мустақил ишлашни канда қилмади. Кейинчалик Москва давлат университетининг физика-техника факультетининг сиртқи бўлимида, 1930 йилдан бошлаб Фарғона педагогика институтининг кечки физика-математика факультетида ўқиб олий маълумот олди, профессор А. В. Ланков раҳбарлигида математика фани бўйича илмий иш устида изланди. Ўзининг ишчанлиги ва ташкилотчилиги билан жамоатчилик эътиборини тортди, аввал декан, кейинчалик эса илмий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига кўтарилди. Бой тажрибаси, педагог кадрлар етиштириш ишида жонбозлик кўрсатиши билан жумҳуриятга танила борди. Шу боис халқ маорифи комиссарлигининг тавсияси билан Тошкент давлат педагогика институтида катта ўқитувчи ва декан ўринбосари вазифасига ишга тайинланди. Бу ерда профессор А. Смогоржавский ва А. Доморядлардан математика фани сирасирларини ўрганди, кўплаб асарларни мутолаа қилди. 1946 йили шу олимлар раҳбарлигида «Конструктив геометриянинг асосий курси» мавзуидаги кандидатлик диссертациясини ёқлади. Халқ маорифи соҳасидаги катта хизматлари эвазига 1944 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» деган юксак даражага сазовор бўлди. 1947 йили эса унга доцентлик унвони берилди.

Узоқ йиллар олий ўқув юртлари ва мактабларда олиб борган илмий ва амалий кузатишлари натижасида олим ўрта мактаб ўқитувчилари ва педагогика институтлари студентлари учун 50 дан ортиқ илмий-методик асар яратди. Шулардан 25 босма табоқдан иборат «Геометрик ясаш методлари» номли қўлланмаси 1958 йилдан бери тўрт марта нашр қилинди. Бундан ташқари, 1973 йилда унинг «Факультатив машғулотларда геометрия», 1974 йилда «Конструктив» геометрия элементлари», 1976 йилда «Векториал алгебра элементлари» номли катта ҳажмдаги қўлланмалари чоп этилди. Бу асарлардан ҳозирда педагогика институтларининг студентлари ва ўрта мактаб ўқитувчилари кенг фойдаланишмоқда.

Раҳимжон ака 50 йилдан ортиқ давр ичида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти физика-математика факультетининг декани, ўқув ишлари бўйича ректор ўринбосари, кафедра мудири, профессор вазифаларида ишлаб келди. Ўзининг илмий-педагогик фаолияти давомида ўнлаб шогирдлар етиштирди. 60 йил давомида олий ўқув юртларида математик анализ, аналитик геометрия, элементар математиканинг махсус курслари, математика ўқитиш методикаси ва конструктив геометрия каби жиддий курслардан дарс берди. Унинг ҳалол меҳнатлари муносиб баҳоланди. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» деган юксак унвоннинг ҳам соҳибидир. Айни пайтда 93 ёшни қаршилаётган эл фарзанди ҳамон бардам, олимларга устозлик, ёшларга мураббийлик қилиб келмоқда. Қуйида у кишининг қатағон йилларига доир ўз хотираларини эътиборингизга ҳавола этамиз:

«...1937 йил 3 сентябрь куни эди. Фарғона педагогика институтининг кечки бўлимида дарс ўтаётгандим. Шаҳар ички ишлар бўлимининг расмий ходими мени зудлик билан ўйимга олиб кетди. Ўйда эса қизил ёқали гимнастёрка кийган офицер кутиб ўтирган экан. Улар шаҳар прокурорининг ҳибсга олинишим ҳақидаги расмий қоғозини кўрсатиб, имзо қўйдиришди-да, қўшнимиз — дўхтир Фетисов шоҳидлигида хонадонимни эрталабгача тинтув қилишди. Ўша куни ҳам ўн соат дарс берганим, бўш вақтда жамоатчилик ишларини бажариб, қаттиқ чарчаганлигим, қолаверса, бегуноҳлигимга ишонганлигим учун ҳам кечки овқатни тановвул қилиб, эрталабгача бемалол ухладим. Менинг беparволлигим уларни ҳам ҳайратлантирар, ҳам жиғибийрон қиларди. Тинтувдан сўнг улар фотоальбомимни ва В. И. Ленининг Бухарин томонидан таҳрир этилган 22 томли асарлар тўпламининг биринчи томини мусодара қилишларини айтиб, актга имзо қўйдиришди. Тўплам менга Фарғона вилоят педагогика техникумининг ўн йиллик тўйи муносабати билан берилганди. Буни уларга маълум қилсам ҳам, эътиборга олмай «Бу ман қилинган адабиётлардан» деб туриб олишди.

Шундай қилиб, қамоққа олиндим. 10 сентябрь куни кечки пайт мени НКВД бўлими бошлиғи Мартиненконинг йигирматача офицер билан гавжум кабинетига олиб киришди. У мендан исмим, фамилиям, туғилган йилим ва қандай вазифаларда, қачондан бери ишлаётганлигимни сўради. Қўлидаги қоғозларга қараб сўроқ пайтидаги жавобларим тўғрилигига ишонгач, «Очиғини айтсам, сизни Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаевнинг «Миллий истиқлол» ва «Миллий иттиҳод» номли аксилинқилобий ташкилотларининг Фарғонадаги бўлими бошлиғи деб биламиз. Бу исботланган. Энди яхшиликча айтинг, сизга берилган топшириқлар нималар ва уларни кимлар билан бирга бажардингиз?», дея дўқ урди. Кўнглидагидек жавоб ололмагач, уйдан олиб кетилган фотоальбомдаги суратлар билан қизиқа бошлади.

Икки соатча давом этган сўроқ охирида «Аксилинқилобий ишларингизни бизларга айтмагунингизча қутулмайсиз, яхшилаб ўйлаб кўринг» оҳангидаги қатъий шарт билан мени яна камерага қамаб қўйишди. Орадан ўн кун ўтгач, яна сўроққа олиб киришди. Бир бурчакда Ёрмозор қишлоғилик муаллим Давлат Ниёзий ранги ўчган ҳолатда қалтираб турарди. Терговчи Соколов мени ўтиришга таклиф этиб, олдимга муқаддам тайёрлаб қўйилган икки варақ қоғозни сурди-да, «Ўқинг ва имзо қўйинг!» дея даҳшатли билан хитоб қилди. Ёлғон-бўҳтонлар битилган варақага имзо қўймаслигимни айтганимдан сўнг, бор овози билан бақира бошлади. «Ҳаққоний ишламайдиган бундай терговчига ишонмайман, мени бошлиғингга олиб кир, ўзи билан гаплашаман», дея туриб олдим. Бу гапим терговчига ёқмади. Мени вилоятдаги махсус тайёрланган бир кишилик қоронғу ва зах хонага қамаб, роппа-роса қирқ кеча-кундуз кучайтирилган тартибда сақлашди.

Кейин билишимча, мени қоралаш учун «НКВДга ишонмайман, деб айтди» қабилида ҳужжат тўлғазишибди. Бу туҳмат дарёдан томчи эди. Уларнинг асл мақсадлари бошқа бўлиб, «Миллий истиқлол» ва «Ботир гапчилар»нинг йирик вакиллари А. Ғойибий, А. Зоҳирий, М. Холиқовлар шўроларга қарши аксилинқилобий ташкилотнинг вилоятдаги етакчилари эканлигини тасдиқлаш ҳақидаги туҳматга имзо чекишимни исташарди. Лекин ҳар сафар рад жавобини олишгач, мени турли қийноқ ва очликка дучор қилишарди.

Кунларнинг бирида, кечаси, ҳибсхона эшигини тарақлатиб очдилар-да, 50—60 ёшлардаги бир кишини устимга улоқтирдилар. У киши «Асакадан қизимни кўргани келгандим, мени ушлаб бу ёққа олиб келдилар», — деди-да, тузумни, совет ҳукуматини ёмонлай бошлади. Ўз навбатида мен унга маориф, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳаларида бажарган ишларим ҳақида гапириб бердим. Орадан икки соатча ўтгач, ҳамхонамни олиб чиқиб кетишди. Кейинроқ билсам, бу мендан гап олиш учун қилинган навбатдаги найранглардан бири экан.

Орадан бирор ҳафта ўтар-ўтмас хонага фарғоналик Одил сартарошни киритишди. Ёнимдан жой бердим, у тезда ухлаб қолди. Эрталаб уни олиб чиқиб кетишгач, ёстиқни тўғриламоқчи бўлиб қарасам, «ҳамхонам» унинг тагига шиша синиқлари, битта дафтар ва қалам қўйиб кетибди. Бундан тушундимки, улар домла жонидан тўйган бўлса керак, деб ўйлашган.

Найранглар иш бермагач, мени қўрқитиш йўлига ўтишди. 1938 йилнинг март ойида НКВД шаҳар бўлимига олиб боришди. Бу ерда терговчи Соколов, шаҳар милицияси бўлими бошлиғи Тўхтасинов, ўн нафарча соқчи турарди. Бу ҳолат менга зўравонлик йўли билан ўзлари тузган протоколга имзо қўйдирмоқчи эканликларидан далолат берарди. Яна қийноқ ва мажбурлаш йўлига ўтишди. «Қўлбола» ҳужжатларнинг асоссиз эканлигини айтганимдан сўнг сиёсий маҳбуслар ётган ҳибсхонага юборишди.

Қатағон йилларида ноҳақ қамалган маҳбуслар шу қадар кўп эдики, биргина мен ҳибсда бўлган миршабхонадаги йигирмата камеранинг ҳар бирида ўттиз-қирқ киши сақланар, уларнинг кўпчилиги деҳқон ва зиёлилар эди.

Маҳбусларни сўроққа олиб кетиш ва уларнинг сўроқдан азобланиб келишларини сўз билан ифода этиш қийин, жуда қийин. Умуман айтганда ҳибсхона — азобхона эди. Шу боис кўп маҳбуслар азоблардан тезроқ қутилиш умидида туҳматдан иборат қалбаки ҳужжатларга имзо қўйиб юборишарди.

Бир воқеа сира кўз ўнгимдан кетмайди. Фарғонада Нуриддин Эрматов, Абдулла Раҳмат деган таниқли зиёлилар бор эди. Нуриддин ака масъул вазифаларда, Абдулла эса «Янги Фарғона» газетасида бош муҳаррир бўлиб ишларди.

Бир куни кундузи мени ташқарига олиб чиқишди. Қарасам, қамоқхона ҳудудида ўнта-ўнталаб маҳбусларни қизил вагонлар томон олиб кетишяпти. Шу пайт саф бўлиб кетаётганлар орасидан «Раҳимжон, маҳкам бўл, рост гапир, сўзингдан қайтма! Ҳали булар қилмишлари учун жавоб берадиган давр ҳам келади!!» деган овоз эшитилди. Бу қўрқмас, жасоратли журналист дўстим Абдулла Раҳматзоданинг овози эди. Унинг ёнида Нуриддин Эрматов ҳам бор эди. Шундай асл инсонлар, таълим-тарбияда кўпчиликка раҳнамо бўлганлар йўқотиб юборилди.

Баъзан ўйлаб қоламан, адолатсизлик қурбони бўлган, ноҳақ жабрланган кишиларнинг уволи кимни тутади? Уларнинг табаррук хоклари қаерларда ётибди? Таассуфки, бу саволларга ҳанузгача жавоб топиш мушкул...

Мени ўша давр жиноят мажмуасининг 66-моддаси 1-бандида кўрсатилган «Аксилинқилобий ишлари учун жиноятчи» деб айблашди. Қўйилган айбномага қўшимча қилиб «Тақиқланган адабиётдан фойдаланган» ва «НКВДга ишонмайман, деган сўзни айтган» деб ёзишди. Мен билан бирга бўлган Абдулла Муҳаммадийнинг айбномасида ҳам шундай сўзлар бор эди. Ҳар биримизга беш йилдан қамоқ жазоси бериш ҳақида ҳукм чиқарилди. Биз Ўзбекистон Олий судига норозилик аризалари юбордик. Олий суд ҳайъати вилоят судининг қарорини бекор қилди. Иккаламиз ҳам 1939 йилнинг май ойида озодликка чиқдик.

Мен ана шундай мудҳишликларни бошдан кечирган бир маорифчиман...»

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси.

Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари

«Маърифат» хабарлари

КЎРГАЗМАЛИ ТАРБИЯВИЙ СОАТ ЎТКАЗИЛДИ

Яқинда Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги 31-ўрта мактабнинг 4-синфида «Нон қадри» мавзуида кўргазмали тарбиявий соат ўтказилди. Унда мактаб директори, директор ўринбосари, ўқитувчилар, синф раҳбарлари ҳам қатнашдилар. Ўқувчилардан Р. Бўтаёрова, М. Нуримова, Р. Ҳикматов, Ж. Ҳикматуллаевлар нон ҳақида шеърлар ўқишди, интермедиялар, қўшиқлар ижро этишди. Ўқитувчи Зарифа Назарова ғалла етиштириш, нон ёпиш жараёни, кишилар меҳнатининг машаққатлари хусусида фикр билдирди.

Дарсдан сўнг ўқувчилар томонидан тайёрланган ун маҳсулотлари, турли хил пиширириқлар кўргазмаси намойиш этилди.

М. КЕНЖАЕВА,
математика ўқитувчиси.

●

СОҒ ТАНДА СОҒЛОМ АҚЛ

Мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, мактабдан ташқари болалар муассасаларида жисмоний тарбия ишларини янада такомиллаштириш шу кунинг муҳим вазифаларидандир.

Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманида республика умумий таълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртлари жисмоний тарбия ўқитувчилари ва ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари жисмоний тарбия кафедралари мудирларининг навбатдаги минтақавий семинар кенгашида шу ҳақда сўз юритилди.

Семинар-кенгашда Қашқадарё, Самарқанд, Навоий вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан келган ижодкор ва тажрибали жисмоний тарбия ўқитувчилари иштирок этишди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи Р. Саломов, республика Ўқув-методика маркази жисмоний таълим ва чақириққача ёшларни тарбиялаш бўлими бошлиғи А. Мирзаев, халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти кафедра мудири, доцент Т. Усмонхўжаевлар соғлом авлодни шакллантиришда мактаб ва ҳунар-техника билим юртларида жисмоний тарбия ишини янада такомиллаштириш юзасидан маърузалар билан чиқдилар.

Семинар-кенгаш сўнгида доцент Т. Усмонхўжаев томонидан яратилган миллий ҳаракатли ўйинларни дарсда ўтиш методикаси бўйича видеофильмлар кўрсатилди.

Мухбиримиз.

●

ҲАДЯ

Ҳазрат Мир Алишер Навоий бобомиз табаррук номи билан аталувчи ёш ва навқирон Навоий шаҳрида истиқомат қилаётган, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийси Йўлдош Ҳакимов яқинда яна бир саховатли ишга қўл урди. Отахон ўзининг бир ойлик — 145 минг 730 сўм пулини шаҳардаги Файзулла Хўжаев номидаги 17-ўрта мактаб ўқувчиларига ҳадя этди.

Улуғбек АКТАМ ўғли.

Иқтисод сабоқлари

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ДОИР АТАМАЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

Менеджер. Иқтисодий бошқариш муаммоларини яхши биладиган, ҳуқуқ масалаларини тушунадиган мутахассис. У — йирик корхона директори ёки хўжалик ташкилотида масъулиятли вазифани бажараётган шахс. Менеджерларни олий ўқув юртларида, махсус давлат ёки хусусий ўқув юртларида тайёрлайдилар.

Йирик муаммоларни ҳал қилишга ожиз бўлган кичик корхона эгаларини ғарбда ҳеч ким менеджер деб атамайди.

Менеджмент. АҚШда ва бошқа мамлакатларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, кўп фойда олиш мақсадида ишлаб чиқилган тадбир, шакл ва усуллар мажмуи.

Миллий даромад. Мамлакатнинг моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги натижаларини ўзида мужассамлаштирган, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни кўрсатадиган умумий кўрсаткич. Ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш учун кетган барча харажатдан меҳнат учун кетган, шунингдек, ишлаб чиқаришни қайта тиклаш учун зарур бўладиган харажатлардан қолган қисми миллий даромад ҳисобланади.

Мудофаа ишлаб чиқариш конверсияси. Ҳарбий мудофаа ишлаб чиқаришнинг бир қисмининг халқ истеъмол моллари, фуқаролар учун маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослаштирилиши.

Радикал иқтисодий ислоҳот. Марказлашган, буйруқбозлик, расмиятчиликка суянган бошқариш тизимидан иқтисодий самарадор усулларга таянган, марказлашишнинг оптимал йўллари ва ўз-ўзини бошқаришга асосланган демократик бошқариш тизимига ўтиш.

Рентабеллик. Корхонанинг маълум бир муддат давомида (чорак йил) хўжалик юритиш фаолияти фойдали эканлигини билдирадиган кўрсаткич. Ишлаб чиқариш рентабеллиги ва маҳсулот рентабеллиги бўлади. Ишлаб чиқариш рентабеллигига:

а) баланс бўйича фойдасининг йиллик ишлаб чиқариш асосий фонди ва белгиланган ҳаракатдаги маблағ қийматига нисбати;

б) фондларга, банкдан олинган кредитларга ва бошқа тўловларга тўланганда сўнгги баланс бўйича фойданинг ишлаб чиқариш асосий фондлари ва ҳаракатдаги белгиланган маблағга нисбати тушунилади. Маҳсулот рентабеллиги — маҳсулот сотишдан келган фойданинг маҳсулот таннархини, шунингдек, моддий сарф-ҳаражатларни чиқариб ташланганига бўлган нисбати тушунилади. Ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишнинг асосий омиллари — таннархни пасайтириш, маҳсулот сифатини ошириш, моддий ва меҳнат ресурслари исрофгарчилигини камайтириш, жиҳозлардан тўла ва унумли фойдаланишдир. Рентабелликни ошириш корхона ва унинг бўлинмаларида хўжалик асосида ишлашни такомиллаштиришга, иқтисодий режимга қатъий амал қилишга хизмат қилади. Корхоналарни ўз-ўзини қоплаш йўлига ўтказиш рентабелликни оширишга табиий шароит яратади.

Сальдо. Маълум бир муддат оралиғида корхона ҳисобига тушган пул кирими ва чиқими ўртасидаги фарқ.

Сертификат. Махсус органлар томонидан маҳсулотни экспертизадан ўтказиш асосида маҳсулот сифатига кафолот берувчи ҳужжат.

Стагнация. Ишлаб чиқаришнинг турғун ҳолати ёки пасайиши пайтида ишсизликнинг кўпайиши ва нарх-навонинг тўхтовсиз ўсиши давридаги иқтисодий ҳолат.

Субвенция. Хўжаликнинг айрим тармоқларига, корхоналар ва уларнинг эгаларига молиявий ёрдам бериш шакли.

Суваренда. Ижарага олинган мулкнинг маълум қисмини учинчи бир шахсга бериш.

Таннарх. Корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш учун сарфлаган харажатнинг пулда ифодаланиши. Таннарх корхонанинг барча ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини ва унинг самарадорлигини белгилаб берадиган, умумлаштирадиган муҳим кўрсаткичдир. Таннархнинг режалаштирилиши, ҳисобга олиниши, таҳлил этилиши корхонадаги хўжалик ҳисобини муваффақиятли амалга оширишга муҳим шароит яратади.

Товар. Сотиладиган ишлаб чиқариш маҳсулоти.

Тариф. Корхоналарга, аҳолига ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш характеридаги турли хил хизматлар учун тўланадиган ҳақ.

Фойда. Хўжалик ҳисобидаги корхоналарнинг хўжалик фаолиятини умумлаштирадиган, соф даромад шакли. Фойда маҳсулотни сотишдан тушган умумий маблағдан ишлаб чиқариш харажатини чиқариб ташланганидан кейин қолган маблағ. Фойда баланс бўйича, товар ишлаб чиқариш бўйича, ҳисобкитоб бўйича фойдаларга бўлинади. Баланс бўйича фойда барча ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти, реализацияга кирмаган даромад ва йўқотишларни ҳам қўшган ҳолда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларидан тушган умумий фойда суммасидир. Маҳсулот ишлаб чиқаришдан тушган фойда корхонанинг товар маҳсулотига қўйган чакана нархидан маҳсулотнинг тўла таннархини айирганидан қолганидир; бундан ишлаб чиқариш рентабеллигини аниқлашда фойдаланилади. Ҳисоб-китоб бўйича фойда эса баланс фойдасига қараганда кам сўмни ташкил этади, у юқори давлат органлари, бюджет, банк олдидаги тўлов мажбуриятларини бажаришга хизмат қилади. Фойданинг ўсиши ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайишига боғлиқ.

Чек. Банкка чекни ёзиб берувчи томонидан ўз ҳисобидаги маълум бир суммани чек кўрсатувчига бериш хусусидаги белгиланган тартибда тўлдирилган пул ҳужжати.

Шартнома. Юридик шахслар томонидан турли шартлар, мажбуриятлар белгиланиб тузилган битим.

Шартнома асосидаги нарх. Товар ишлаб чиқарган корхонанинг товарни сотиб олувчи билан келишувига биноан белгиланган баҳо.

Шахсий мулк. Маълум бир шахсга ёки бир неча шахсларга тегишли бўлган, унга эгалик қилиш ҳуқуқини берадиган иқтисодий тушунча.

Экспорт. Чет элга чиқариладиган товарлар, турли хизматлар ва маблағлар.

Эмиссия. Банк томонидан турли банк патталари, пул, қимматбаҳо қоғозлар тайёрлаш ва ишлаб чиқариш.

Юридик шахс. Белгиланган қонунчилик асосида иш юритадиган ташкилотлар, корхоналар, бирлашмалар, фуқаролар. Юридик шахс ўзининг иқтисодий балансига, гербли муҳрига, банкдаги ҳисоб рақамига эга.

Ярмарка. Турли ишлаб чиқариш тармоқлари учун рухсат этилган маълум бир жойда, маълум бир муддатга, маълум бир вақтга белгилаб очилган йирик даврий бозор.

Якка тартибдаги меҳнат фаолияти. Фуқароларнинг ўз имкониятларидан фойдаланиб маҳсулот ишлаб чиқариши, турли хизматлар кўрсатиши билан боғлиқ меҳнат фаолияти.

Ўз-ўзини қоплаш. Хўжалик ҳисобида ишлашнинг муҳим принципи. Корхонанинг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни реализация қилишдан (бажарилган иш, хизмат кўрсатишдан) тушган даромад ҳисобига ўз харажатларини қоплаш, ишлаб чиқаришнинг ривожлантирилишини молиявий жиҳатдан таъминлаш зарурлигини билдиради.

Корхонанинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиши учун ўз-ўзини қоплаш етарли эмас. Шунинг учун ҳам корхона биринчи босқичда ўзини-ўзи қоплаш билан бирга иккинчи босқичга ўзини иқтисодий-молиявий жиҳатдан таъминлашга ўтиши лозим.

Қисман конвертерланган пул. Халқаро миқёсда фойдаланиш имконини берадиган, чет эл валютасига алмаштириш мумкин бўлган пул.

Қўшма корхона. Маълум бир корхоналар, ташкилотлар, шунингдек, чет элдаги корхоналар билан ҳам умумий шериклик асосида ишга туширилган корхона.

(Боши ўтган сонларда).

1994 йил—Мирзо Улуғбек йили

ҲАЁТИ СОЛНОМАСИ

1394, 22 март Амир Темурнинг беш йиллик ҳарбий юриши пайтида, Эрон Озарбайжонидаги Султония шаҳрида соҳибқироннинг кенжа ўғли Шоҳруҳ мирзо оиласида фарзанд туғилди. Фарзанднинг онаси тархонлар наслидан бўлган Гавҳаршодбегим эди.

1394, апрель Ироқдаги Мордин шаҳрини қамал қилиб турган Амир Темур набираси туғилиши шарафига шаҳар аҳлига омонлик берди ва ёш меҳмонга ўз отаси шарафига Муҳаммад Тарағай деб ном берди.

1395, баҳор Малика Сароймулкхоним ўз қарамоғидаги Муҳаммад Тарағай Улуғбекни Самарқандга олиб қайтди.

1398 Ҳиндистон юришига чиққан Амир Темур Улуғбек мирзони Кобулгача бирга олиб борди ва набирасига иссиқ таъсир қилишидан хавфсираб Самарқандга қайтарди.

1399—1404 Улуғбек мирзо Амир Темурнинг, Эрон, Шом, Кавказ, Рум устига қилган етти йиллик юришида малика Сароймулкхоним билан бирга бобосига ҳамроҳ бўлди.

1399 Улуғбек Қорабоғда илк устози Ҳамза ат-Тусий — бўлажак машҳур Шайх Ориф Озарий билан танишди.

1402 Усмонли турклар пойтахти Бурсаннинг забт этилишидан сўнг олим Қозизода Румий Шоҳруҳ мирзо хизматига қабул этилди.

1404, июль Улуғбек мирзо бобоси билан Самарқандга қайтди ва бобо билан набира бутун ёзни Боғи Дилкушода ҳамсуҳбатлик ила ўтказдилар.

1404, 16 октябрь Конигилда бўлган тўйда Улуғбек амакиси Муҳаммад Султоннинг қизи Ўгайбегимга уйлантирилди.

1404, куз охири Самарқанддаги Амир Темур жомеъ масжидида Хитой юриши ҳал қилинган мажлисда Улуғбек мирзога Тошкент, Сайрам, Янгикент, Тароз, Ашпара ва юриш пайтида забт этилиши мўлжалланган Жета вилоятидан Хитойгача бўлган ерлар суюрғол бўлди.

1405, 18 февраль Хитой юришига отланган Амир Темур Ўтрорда хасталаниб, оламдан ўтди.

1405, март Бобоси жасадини кузатиб келган Улуғбекни Самарқандга киритмайдилар ва у Бухорога йўл олади.

1405, 18 март Самарқанд тахтига Мироншоҳ мирзонинг ўғли Халил Султон мирзо чиқади.

1405—1406 Отаси Шоҳруҳ мирзо ҳузурига — Ҳиротга келган Улуғбек мирзога Тус, Ҳабушон, Калот, Нисо, Абивард, Язир, Сабзавор ва Нишопур суюрғол бўлди.

1405—1409 Улуғбек мирзо отаси билан ҳамкорликда Мовароуннаҳр учун Халил Султон билан урушади.

1409 Мовароуннаҳрни қўлга киритган Шоҳруҳ мирзо Самарқанд ҳокимиятини Улуғбекка топширади.

1409—1411 Улуғбек оталиғи этиб тайинланган амир Шоҳмалик шаҳзода номидан мамлакатни бошқаради, исёнчи амирларга қарши жанг қилади.

1411 Улуғбек отаси кўмагида Тошкент, Ясси, Саброн, Сайрам, Янгикентни яна Мовароуннаҳрга қўшиб олди.

1415 Улуғбек Фарғонани ўз тасарруфига киритди.

1417 Улуғбек Бухорода мадраса тиклади.

1420 Самарқандда Улуғбек мадрасаси қурилди.

1425—1428 Кўҳак тепаликларидан бирида расадхона қурилди.

1425, баҳор Мирзо Улуғбек Мўғулистон устига юриш бошлади ва ғалаба қозонди.

1425 Улуғбек Мўғулистондан олиб келтирилган кош тоши — нефритни Амир Темур қабри устига ўрнатди.

1427, баҳор Улуғбек кўмагида Оқ Ўрда тахтини эгаллаган Бароқхон Сирдарё бўйидаги Мовароуннаҳрга тегишли шаҳарларни эгаллади. Улуғбек Оқ Ўрда устига қўшин тортди ва Сиғноқ яқинидаги жангда мағлуб бўлди. Бароқхон Самарқандгача уни қувиб келди ва Мовароуннаҳрнинг кўп шаҳарларини талади.

1430 Улуғбекнинг сафдоши Ғиёсиддин Жамшид вафот этди.

1433 Ғиждувондаги мадраса қуриб битказилди.

УЛУҒБЕК ПОРТРЕТИ. Рассом А. ИКРОМЖОНОВ.

1435 Шаҳрисабзда Кўкгумбаз масжиди ва Гумбази сайидон мақбараси қуриб якунланди.

1337 Улуғбекнинг устози ва сафдоши Қозизода Румий вафот этди. Улуғбек мавлоно Ғиёсиддин Жамшид, Қозизода Румий билан бошлаган «Зижи жадиди Кўрагоний»ни сафдоши ва шогирди Али Қушчи ҳамкорлигида ёзиб тугаллади.

1447 Шоҳруҳ мирзо вафот этди. Улуғбек мирзо Хуросонга қўшин тортди. Аммо ўғли Абдуллатиф асир олингани учун Алоуддавла мирзо билан сулҳ тузди. Улуғбек шаҳзода Абдуллатифга Балх ҳокимиятини топширди.

1448 Алоуддавла билан Улуғбек мирзо ўртасида уруш бошланди, Мовароуннаҳр қўшини Хуросонни эгаллади. Улуғбек Абдуллатиф мирзони Ҳиротда қолдириб Самарқандга қайтди.

1449 Ҳирот ҳокимиятини Абулқосим Бобур мирзо эгаллади. Абдуллатиф қочиб Самарқандга келди. Улуғбек ўғлини Балхга жўнатди.

1449, баҳор Шаҳзода Абдуллатиф отасига қарши исён бошлади. Улуғбек Балх устига қўшин тортди.

1449, ёз Улуғбек хизматида бўлган Султон Абу Саид мирзо исён бошлаб, Самарқандни қуршовга олди. Улуғбек қўшин билан Самарқандга қайтди.

1449, 19 сентябрь Самарқанд яқинидаги Димшиқ қўрғонининг шарқий тарафидаги ялангликда Улуғбек мирзо билан Абдуллатиф мирзо ўртасида жанг бўлди. Улуғбек енгилди. Самарқанд кутволи амир Мироншоҳ хиёнат қилиб, Улуғбекни шаҳарга киритмади. Улуғбек Шоҳруҳияга етгач, дастлаб уни шоҳона кутиб олган қўрғон ҳокими ҳам сотқинлик қилди.

1449, октябрь Улуғбек мирзо ҳокимиятни Абдуллатифга топшириш мақсадида Самарқандга қайтди. Шаҳзода отасини ҳаж сафарига кетишга мажбур қилди.

1449, 25 октябрь Макка сафарига отланган Улуғбек мирзо Самарқанд яқинида ўғлининг Аббос исмли навкари томонидан ўлдирилди.

1450, 9 май Падаркуш Абдуллатиф Улуғбек мирзонинг содиқ кишиларидан бири Бобо Ҳусайн баҳодир томонидан қатл этилди.

РАСАДХОНА ВА ЗИЖ

Улуғбек расадхонаси Самарқанд шимолидаги тепаликлар этагида жойлашган. Қадим замонларда бу тепаликларни Кўҳак деб аташган, бу ном «кичик тоғ» маъносини билдиради. Кейинчалик авлиё мозори устида Амир Темур тиклаган мақбара туфайли бу ерлар Чўпонота деб номлана бошланган. Асрлар давомида бу юксаклик нафақат шаҳар обу ҳавосини белгиловчи табиий восита, шунингдек, баҳодир алп мисоли шаҳарни босқинчилардан ҳимоя қилишга хизмат қилган тўсиқ ҳам эди.

Қадимий битикларнинг гувоҳлик беришича, Кўҳак тепаликларида бир пайтлар дарахтлар ва булоқлар жуда кўп бўлган. Муаррих Абу Тоҳирхожа ёзади: «Кўҳак тоғи Самарқанд шаҳри ва Зарафшон дарёси орасида, шаҳарнинг шимолий томонидадир. Ушбу тоғда дарахтлар ва булоқлар бор. Кўклам палласида ушбу тоғда ва унинг яқинидаги боғларда лолайи, ранойи, қизил ва кўк бунафша кўкаради». Бу кўҳна тепалик этакларида, хусусан, Конигилда қадимий шаҳар тарихига боғлиқ кўп воқеалар рўй берган. Амир Темур билан амир Ҳусайннинг Самарқанд сарбадорлари билан учрашувлари, амир Ҳусайннинг макри туфайли сарбадорларнинг қатл этилиши, соҳибқироннинг эл-улусга берган тўй-маъракалари, бир қатор қурултойлар мана шу манзилда бўлган. Амир Темурга эргашиб маликалару амирзодалар Конигил, Чўпонота ўтлоқларини қўриқ қилиб, ўтов тикканлар. Амир Темур ва Мирзо Улуғбек асос солган кўп боғлар ҳам Кўҳак этакларида жойлашган.

Мирзо Улуғбек расадхонаси жойлашган тепаликни қадимда «Толеъи расад» деб аташган. Расадхона қолдиқлари топилган баландлиги 21 метр, асоси шарқдан ғарбга томон салкам 85 метр ва жанубдан шимолга томон 170 метрга чўзилиб борадиган тошлоқ тепалик устидан ҳаммаёқ очиқ кўриниб туради.

Расадхона қурилиши қачон бошлангани ва қачон якунлангани хусусида турли гувоҳликлар мавжуд. Машҳур тарихчи Мирхонд Хитой элчиларининг 1419 йилда Самарқандга келиши воқеасини баён қиларкан, «Мирзо Улуғбек томонидан таниқли усталар бошчилигида Самарқандда расадхона қуриш ҳақида улуғ фармон берилди» деб қайд этса, муаррих Абу Тоҳирхожа «Самария»да шундоқ ёзади: «Мадраса солингандан тўрт йил кейин Улуғбек мирзо Қозизода Румий, мавлоно Ғиёсиддин Жамшид, мавлоно Муъиний Коший билан Кўҳак пуштасининг этагида, Оби Раҳмат ариғининг ёқасида расадхона биносига бошлади... Расадхона тепасининг этагида гўзал чорбоғ ва чинийхона ясатиб, кўпинча унда турар эди». Сўнгги фикрга асосланиб, яъни Улуғбек мадрасаси 1420 йилда битказилганини эътиборга олсак, расад қурилиши 1424—1425 йилларда бошлангани маълум бўлади.

Аммо баъзилар муаррих Абдураззоқ Самарқандийнинг 1420 йил воқеалари баёнида Мирзо Улуғбек расад қуришга аҳд қилганини айтиб, сўзининг давомида расад биносини тасвирлаганига асосланиб, расад 1420 йилда тикланган деган фикрни айтишади. Ўзбек олимлари Ғ. Жалолов, М. Бўлатов айнан мана шу сана тарафдорлари. Аммо улар Абдураззоқ Самарқандий 1420 йил воқеалари баёнида Мирзо Улуғбекнинг расад ва зиж тузишни майл қилганинигина таъкидлаганини мантиқан ўйламайдилар. Ҳолбуки, муаррих асарини Мирзо Улуғбек ўлимидан кейин — 1467—1470 йиллар орасида ёзиб тамомлаган. Шунинг учун ҳам у 1420 йил воқеалари баёнида кейинги йиллар воқеаларини олдиндан маълум қилади. Ҳатто у бу ўринда 1437 йили битказилган зижни ҳам тилга олади. Агар биз юқорида айтилганидек йўл тутиб, зиж ҳам 1420 йилда тугатилган, деб айтсак хато бўлмайдими?

Яқинда нашрдан чиққан «Улуғбек» рисоласи муаллифи Ашраф Аҳмедов «Расадхона қурилиши 1420 йилдан 1429 йилгача давом этган» деб ёзади. Менимча, бу ўринда олим ҳақ. Дарҳақиқат, вақт жиҳатидан Улуғбек даврига яқин турган Мирхонд гувоҳлиги, бу воқеалардан қарийб тўрт аср сўнг яшаган Абу Тоҳирхожа гувоҳлигидан ишончлироқдир. Қолаверса, Мирхонднинг сўзларини Абдураззоқ Самарқандий ҳам тасдиқлайди. XVIII аср муаррихи Сайид Роқим ҳам Мирзо Улуғбек расадхонасини 1428 йилда қурилган деб маълум қилади. Улуғ фалакшунос фаолиятини ўрганган В. Бартольд, М. Массон, Т. Қори-Ниёзий ва В. Шишкин ўз асарларида расад қурилиши якунланган йил деб 1424 ва 1428 йилларни кўрсатадилар.

Абдураззоқ Самарқандий расад биносини шундай тасвирлайди: «...(Оятдаги) «етти мустаҳкам қуббадор қасрдин» намуна бўлғон ул олий ва улуғ сифатлик иморатнинг хоналари ичиға тўққиз фалакнинг ҳайъати ва тўққиз осмон доиралари шаклларини даражалар, дақиқалар, сониялардин тортиб то ошираларичача чизилди. Айланувчи фалаклар, етти сайёра юлдузлари, собита юлдузлар кўринишлари, ер куррасининг ҳайъати ва етти иқлим сурати, тоғлар, биёбонлар ва ер куррасига нимаики тегишли бўлса, барчаси бирлан, дилназир нақшлар ва беназир рақамлар бирлан чизилди. Уч қаватли, баландлиги 31 метрдан зиёд бинонинг сирти кошин ва сирли парчинлар билан зийнатланди. Олимлар ва талабаю хизматчилар учун теваракда ҳужралар қурилди». Расадхонада ноёб китоблар жамланган бой кутубхона ҳам мавжуд бўлган.

Расадхонада илмий тадқиқотлар тахминан 1428—1429 йилларда бошланган. Бу кузатишлар ва изланишлар натижаси бўлиб, «Зижи Султоний Кўрагоний», «Зижи жадиди Кўрагоний» деб ном олган астрономик жадваллар ва хулосалардан иборат китоб вужудга келди. Китоб ёлғиз Мирзо Улуғбек эмас, унинг атрофида тўпланган етук олимлар меҳнатининг натижаси эди. Шу сабабдан ҳам зиж муқаддимасида Мирзо Улуғбек чуқур эҳтиром билан Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид ва Али Қушчи каби замонасининг улуғ алломалари номини тилга олади. Мана шу донишмандларнинг меҳнати натижасида «юлдузларнинг ёруғлигидан кузатилган барча нарсалар имтиҳон қилиниб, бу китобга киритилиб, собит этилди».

«Зижи жадиди Кўрагоний» икки қисмдан: кенг ҳажмли муқаддима ва 1018 юлдузнинг ўрни билан ҳолати аниқлаб кўрсатилган жадваллардан иборат. Зиж муқаддимаси тўрт бўлимдан иборат бўлиб, уларда фалакшунослик илмининг муҳим соҳаси ҳисобланган йил ҳисоби — хронология тарихи: юнон, араб, эроний ва уйғур йил ҳисоблаш усуллари, бу қадимий халқларнинг миллий маросимларининг йил ҳисобидан келиб чиққан томонлари ҳақида ҳикоя қилинади. Шунингдек, осмон буржлари ҳолати, юлдузларнинг чиқиш ва ботиши, Нисф ан-наҳор соатининг расад ўрни бўлмиш Самарқанд кенглигига нисбати; Шуш, Кайравон, Урмия, Нахичевон, Булғор, Мадонн, Бағдод, Басра, Козерун, Истахр, Ҳамадон, Қум, Рай, Домғон, Бодғис, Сарахс, Марв, Балх, Андароб, Чин, Олмалиқ, Бешбалиқ, Қорақурум, Самарқанд, Тароз, Усрушана, Хўжанд, Бадахшон, Гурганж, Ҳазорасп, Кот, Бухоро, Ўш, Ўзганд, Кошғар, Ахсикат, Шош, Банорас, Сарандиб, Тибат, Кашмир каби шаҳар ва мавзеларнинг (ҳаммаси бўлиб 683 жой) координатлари, етти иқлим ва уларнинг маърифати ҳақида, юлдуз ва сайёраларнинг қуёш атрофидаги ҳаракати, шунингдек, астрология, яъни илми нужум масалалари баён этилган.

«Зижи жадиди Кўрагоний»нинг иккинчи қисми астрономия, яъни илми ҳайъат ва тригонометриянинг амалий масалалари шарҳидан иборат бўлиб, унда 1018 юлдуз ўрни ва ҳолати аниқ кўрсатилган.

Мирзо Улуғбек расадхонаси фақат илми ҳайъатдагина эмас, математика ва тригонометрия соҳасида ҳам катта кашфиётлар қилинишига хизмат қилди. Ҳатто баъзи олимлар бу соҳалардаги кашфиётларни зиж тузишдаги эришилган ютуқлардан ҳам устун қўядилар.

Амир Темур салтанатининг тарихдаги ўрни ҳақида кўп баҳслар бўлиши шакшубҳасиз. Менинг ўйлашимча, бу салтанат ёлғиз Мирзо Улуғбекдек даҳонинг пайдо бўлиши учун хизмат қилган тақдирда ҳам ўзининг оламшумул вазифасини ўтаган бўларди.

МИТТИ ЮЛДУЗ ЁХУД СОҲИБҚИРОН НАБИРАСИ

ҚИССАДАН ЛАВҲАЛАР

БИРИНЧИ ЛАВҲА

Икки-уч кун тоғ билан дашт орасидаги водийда кўнгил ёзган соҳибқирон тонг саҳарлаб Самарқандга қараб йўлга тушди. Йўлда кетишаркан, Улуғбек бобосидан ўзини аллазамондан буён қийнаб келаётган муаммони сўраб билмоқчи бўлди. У соҳибқирон билан ёнма-ён отини йўрттириб бораркан сўради:

— Нега муҳрингизда айнан «Рости-русти» ҳикматини нақшлагансиз, бобожон?

Қиссахонликни беҳад суйган Амир Темурнинг ўзи ҳам ҳикояту нақл айтишни яхши кўрарди. Ўрни келса, ўз далилларини, албатта бирор бир ривоят билан асослашни маъқул санарди. Набирасининг саволини эшитгач, у бир зум ўйга ботиб қолди-да, оғиз очди:

— Бул саволингизга жавоб бермоқдин аввал бир ҳикоят айтсам...

Соҳибқирон жим қолди. Улуғбек эса бутун вужуди билан қулоққа айланган эди. Бобо набирасининг ҳолатини англаб, ҳикоясини бошлади:

— Қадим замонларда бир подшоҳ бор экан. Кўп одил подшоҳ экан. Бир куни у вазирига айтдиким: «Мен ҳаж тавоф қилмоққа борурман, сен борурмусан?» Вазир айтдиким: «Эй, подшоҳи олам, тахтни бўш қўйиб, Каъба тавофига борсангиз, эл-халойиқ бошпоқ бўлмасму?» Нима қилишни билмаган подшоҳ айтдиким: «Унда нима қилай? Ҳаж тавоф қилмасам, мусулмонлигим қолдиму? Маслаҳат бер!» Шунда вазир шундай деди: «Бунинг йўли бордур, подшоҳим. Сиз ҳаж қилғон ҳожининг ҳаж савобини сотиб олсангиз бўлғай!» Подшоҳ ҳам: «Майли, беринг, менга ҳаж қилғон ҳожи савобини сотиб олиб беринг. Токим, қиёматда ҳожилар билан тургайман!»— деди. Вазир: «Подшоҳ учун ҳаж савобини сотадиган борму?»— деб мамлакат айланаркан, бир манзилда бир кимсага йўлиқди. Ул киши айтдики: «Фалон ерда бир зоҳид бортурур. Йигирма қатла Каъбага аёв борибтурур ва тағин ҳаж қилибтурур ва ҳеч кимнинг ошини емас, анга боринг. Ул бир ҳаж сотса, подшоҳ учун олинг».

Бориб ул зоҳидни подшоҳ ҳузурига олиб келдилар.

Подшоҳ айтди: «Эй, зоҳид, бир йўли қилғон ҳажингнинг савобини бизга сотурмисан?»

Зоҳид айтдики:— «Эвазига нима берурсан?»

Подшоҳ айтди:— «Минг қизил танга берайин!»

Зоҳид айтдики:— «Минг қизил танга оз турур».

Подшоҳ айтди:— «Эй, зоҳид, оз бўлса, ўн минг қизил танга берайин!»

Зоҳид айтдики:— «Бу ҳам оз турур».

Подшоҳ айтди:— «Оз бўлса, ўзинг не тиласанг, тилагил, ўшани берайин».

Шунда зоҳид айтди: «Эй подшоҳим, бир ҳаж не бўлғай, йигирма ҳажимнинг савобини сенга берайин, сен бир соат адолат қилғонинг савобини менга берсанг!»

Подшоҳ ҳайрон қолиб сўради: «Эй, зоҳид, бир соат адолат қилғоннинг савоби не бўлур?»

Зоҳид айтдики: «Бир соат адолат қилғоннинг савоби одамларнинг ва фариштапарнинг ва ҳурларнинг ибодатидан ортиқтурур!».

«Энди англадингизму, мирзо, нечун мен ўз муҳримга «Рости-русти» ҳикматини нақшлаган эканман?»— деб ҳикоясини савол билан якунлади Амир Темур.

Улуғбек «ҳа» дегандек бош силкиди. Дам ўтмай соҳибқирон яна гап бошлади:

— «Рости-русти» дегани «Тўғрилик—куч» деганигина эмас, унинг маъниси бениҳоядур. «Рост бўлсанг, ҳақ бўлсанг, ўсгувчисан, кучлисан!», «Ҳақиқатпарастлик, тўғрилик кучингга куч қўшгувчидир!» маънолари бор. Аммо яна бир маъноси бордирки, бу менинг учун аъло шиордур: «Адолат — кучда». Уқдингизму, Улуғбек?!

Улуғбек Ойқор устида тебраниб бораркан, Самарқандга етгунга қадар бобоси сўзларини ўйлади. Ўйларкан, ўзи ҳам улғайса, бобосининг бу улуғ шиорига содиқ бир ҳукмдор бўлажагини ният қилди...

ИККИНЧИ ЛАВҲА

Соҳибқирон Амир Темур пойтахт Самарқандда ва унинг теварагида жуда кўп боғлар барпо қилган: Боғи Шамол, Боғи Баланд, Боғи Биҳишт, Боғи Чинор, Боғи Дилкушо, Боғи Зоғон, Боғи Жаҳоннамо, Боғи Нав, Боғи Нақши Жаҳон, Боғи Давлатобод, Боғи Бўлду, Боғи Майдон ва бошқа боғлар.

Амир Темур ҳамиша таъкид қиларди:

— Хон бўлсанг-да, боғ ярат, гадо бўлсанг-да, боғ ярат — бир кунмас бир кун мевасини татирсан!...

Ривоят қиладиларки, соҳибқироннинг кенжа ўғли, Мирзо Улуғбекнинг отаси— Шоҳруҳ мирзо ҳам падари бузрукворига эргашиб, бир боғ барпо қилибди. Боғ битгач, отаси билан ўғлининг шарафига боғда мажлис тузиб, зиёфат берибди. Зиёфатдан сўнг Шоҳруҳ мирзо отасидан:

— Падари бузруквор, менинг бу боғим ҳақида нима дейсиз, сизга маъқул бўлдими?— деб сўрабди. Амир Темур шундай жавоб берибди:

— Эй кўзимнинг нури, ўғлим, боғинг жуда ҳам зебо ва дилкушо боғ бўлибди. Аммо давлати, бойлиги бор ҳар бир киши бундай боғни барпо эта олади. Лекин дунёда шундай беназир икки боғ мавжуддиркимки, уларнинг бирини бунёд этишга мен ҳам, сен ҳам мудом интилишимиз керак. Аммо иккинчисини бунёд этишга ёлғиз Улуғбек мирзогина муяссар бўлажакдур.

Шоҳруҳ мирзо:

— Биринчи боғ қандай боғ экан?— деб сўраган экан, соҳибқирон жавоб берибди:

— У боғ олимлар, фозиллар, шоирлару донишмандлар ва бошқа ахлоқли, тарбияли улуғ зотлар суҳбатидур. Шу улуғ зотлардан тарбия топиб, яхши ва ибратли ишлар зуҳурга келтириш бу боғнинг дарахти бўлиб, меваси яхши номга эга бўлмоқдир.

Шоҳруҳ мирзо:

— Мирзо Улуғбек бунёд этишга қодир иккинчи боғ қандай боғ экан?— деб сўраган экан, соҳибқирон шундай жавоб қилибди:

— Улуғбек мирзо барпо этадиган боғнинг номи илму маърифат боғидур, тафаккур боғидур. Бу боғнинг дарахтлари — китоблару мевалари тафаккур ҳикматларидур. Унутма, ўғлим, қалам ёдгорлиги ўлмасдур, абадийдур. Мен ҳам, сен ҳам кун келиб бир ҳовуч тупроққа айланамиз, лекин Улуғбек мирзо яратган илм китоблари абадиян одамларга ҳам нафас бўлажаклар. Ҳа, кўзимнинг нури, ўғлим, китоблар бунёдкорлик, ақлидрок ва илму донишнинг асоси, ҳаётни ўргатувчи мураббийдур!

МИРЗО УЛУҒБЕК ҲАҚИДА ЁЗАДИЛАР

Улуғбек давлати замонида ва ҳукмдорлиги кунларида Мовароуннаҳр ва Туркистон мамлакатининг раияти зулм-зулматдан адлу эҳсоннинг оби ҳаёт чашмасига етишди ва барча халойиқ амну омонлик бўстони ҳам фароғат чаманида ором олди. Мирзо Улуғбек ҳақиқат аҳдларига эътибор кўрсатишда жаҳон подшоҳларидан устун ва афзал эди.

Абдураззоқ САМАРҚАНДИЙ.

⊙

Аллоҳга ва неъматларига кўп шукрлар бўлсунким, етти иқлимнинг фармонбардори, ислом подшоҳи (Мирзо Улуғбек) донишманд кишидурлар. Мен бу нарсани одоб расми юзасидан айтаётганим йўқ.

Ҳақиқат шуки, аввало, у кишим Қуръони Каримнинг аксарият қисмини ёддан биладилар. Тафсилотларни ва муфассирларнинг ҳар бир оят ҳақидаги сўзларини ақлда сақлайдилар ва ёддан биладилар. Араб тилининг наҳв ва сарфини яхши биладилар ва арабчада ғоят яхши ёзадилар. Шунингдек, у кишим фиқҳдан анча хабардорлар: мантиқ, маъноларнинг баёни ва усулларидан ҳам хабардорлар...

Ғиёсиддин ЖАМШИД.

⊙

Улуғбек мирзонинг иморатларидан Самарқанд қалъасининг ичида мадраса ва хонақоҳдур... Яна бир олий иморати Пуштаи Кўҳак доманасида расаддурким, зиж битмакнинг олатидур. Уч ошёнликдур.

Улуғбек мирзо бу расад била «Зижи Кўрагоний»ни битибтуркем, оламда ҳоло бу зиж мустаъмалдур...

Заҳириддин Муҳаммад БОБУР.

⊙

Темурхон наслидан султон Улуғбек,
Ки олам кўрмади султон онингдек.
Анинг абнойи жинси бўлди барбод,
Ки давр аҳли биридан айламас ёд.
Ва лек, ул илм сори топти чун даст,
Кўзи олдинда бўлди осмон паст.
Расадким боғламиш — зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур.
Билиб бу навъ илми осмоний,
Ки андин ёзди «Зижи Кўрагоний».
Қиёматга лекинча аҳли айём,
Ёзурлар онинг аҳкомидин аҳком...

Алишер НАВОИЙ.

⊙

Мирзо Улуғбек бутун туркнажод халқларнинг фахри ва шарафи, улар юзининг оқидир.

Йавуз Буланд БАКИЛАР.

⊙

Боболардан сўз кетса зинҳор,
Бир калом бор гап аввалида.
Осмон илми туғилган илк бор
Кўрагоний жадвалларида.
Қотил қўли қилич солди маст,
Қуёш бўлиб учди тилла бош.
Дўстлар, кўкда юлдузлар эмас,
У Улуғбек кўзидаги ёш.
Ерда қолган, о, таним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним!

Абдулла ОРИФ.

ДАВЛАТШОҲ САМАРҚАНДИЙ

«ТАЗКИРАТ УШ-ШУАРО»

ПАРЧА

Олим, одил, ғолиб ва ҳимматли подшоҳ Улуғбек Кўрагон... юлдузлар илмида осмон қадар юксалиб борди, маоний илмида қилни қирқ ёрди. Унинг даврида олиму фозиллар мартабаси ниҳоят чўққисига кўтарилди.

(Мирзо Улуғбек) ҳандаса илмида чигалларни ечувчи, ҳайъат (астрономия) илмида Мажистийкушо (яъни юнон олими Птоломейнинг «Альмагест» китобини шарҳ этувчи) эрди. Фозиллару ҳакимларнинг якдил фикрлари шулки, исломият замонида, балки (Искандар) Зулқарнайн замонидан шу дамгача Улуғбек Кўрагондек олим ва подшоҳ салтанат тахтида ўлтирмаган. У риёзиёт илмини шу даража эгаллаган эрдики, замонасининг улкан олимлари, чунончи, уламолар ва ҳакимлар фахри Қозизода Румий ҳамда Ғиёсиддин Жамшид билан биргаликда юлдузлар илмига расад боғлади. (Лекин) замонасининг бу икки улуғ олими расад охирига етмай туриб вафот этдилар ва султон (Улуғбек) бор ҳимматини бу ишни охирига етказмоққа сарф қилди. Расаднинг қолган қисмини мирзонинг ўзи поёнига етказди, «Зижи султоний»ни кашф этиб, уни ўз исми билан зийнатлади. Букун бу зиж ҳакимлар наздида мўътабар ва амалдадир. Баъзилар уни «Зижи Насири Элхоний»дан ортиқ кўрадилар.

(Мирзо Улуғбек) Самарқандда бир олий мадраса ҳам бино қилдиким, безаги, афзаллиги ва улуғворлиги жиҳатидан унга ўхшаши етти иқлимда ҳам йўқдир. Шу кунларда у олий мадрасада юздан ортиқ талаба ўқиб, истиқомат қилмоқда.

У отаси Шоҳруҳ баҳодир ҳукмронлиги даврида Самарқанд ва Мовароуннаҳрни қирқ йил мустақил идора этди. Султон Улуғбек салтанатни бошқариш, адлу инсофда мақбул йўл тутар эди. Айтишларича, унинг даврида тўрт харвор ҳосил берадиган бир жариб (тахминан бир танобга яқин ер) ердан мол ва хирож учун тўрт донак фулус (мис чақа) солиқ олганлар. Бу бир донак кумуш дирҳамга тенгдир...

Шоҳруҳ султон вафотидан сўнг, Мирзо Улуғбек мерос қолган мулкни талаб қилиб, Мовароуннаҳрдан Хуросонга лашкар тортди. Амирзода Алоуддавла унга қаршилик кўрсатди. Бодғисга қарашли Тарноб деган жойда сўқишдилар. Улуғбек Кўрагон ғалаба қозониб тамом Хуросонни қўлга киритди. Унинг тўқсон минг лашкари бор эди...

852 йил рамазон (1448 йил ноябрь) ойида Улуғбек Кўрагон Хуросонни забт этиш билан машғул экан, Абулхайрхон Самарқандни қабул қилди. Улуғбек султон лашкарлари, ўлжа кўплигидан, уни тезроқ ўз юртларига етказиш пайига тушиб қолдилар ва гуруҳ-гуруҳ тарқалиб кета бердилар. (Бундай шароитда) Мирзо Улуғбек (Мовароуннаҳрга) қайтишдан ўзга чора топмади. У Ироқ юриши билан банд эди. Жуйинга қарашли Оби Равшан сувининг кўпригидан ўтиб, орқага қайтди.

Шу асnoda пойтахт Ҳиротга қарашли Нерату қалъасида қамоқда ётган Қора Юсуф туркманнинг ўғли амир Ёрали банддан кутилиб, Ҳиротга ҳужум қилди ва уни эгаллади. Бу воқеа Улуғбек Кўрагон толеининг пастлашувига сабаб бўлди.

(Мирзо Улуғбек) Балх ва унга қарашли ерларни ўғли Абдуллатифга бериб, ўзи Жайхундан ўтди. (Улуғбек) кичик ўғли Абдулазизни (кўпроқ) эъзозлагани ва ҳурматлагани туфайлидан, Абдуллатифни шайтон йўлдан уриб, отасига осийлик этди, унга қарши исён кўтарди. Улуғбек Кўрагон уч ой мобайнида, Жайхун бўйида Абдуллатиф билан уруш қилди. Шу тобда Туркистон туркларидан арғун қабиласи бахтиёр султон Абу Саъидни подшоҳ кўтарди. Улар Улуғбек ўрдасини ташлаб, Самарқанд томон юрдилар ва уни қамал қилдилар. Бу ҳол Улуғбекни яна ҳам шоширди. Натижада, Самарқандни ихтиёр этиб, орқага қайтишга мажбур эди. Бу орада Абдуллатиф ҳам Жайхундан ўтиб, Самарқандга юрди...

853 йил шаъбон (1449 йил сентябрь-октябрь) ойида Самарқанд ёнидаги ота-бола урушида Абдуллатиф ғолиб келди. Улуғбек мирзо Самарқанд қалъасидан паноҳ топмоқчи эди, лекин ўзи бошини силаганлардан (амир) Мироншоҳ қавчин ҳаромнамаклик қилиб, қалъага киритмади. (Шундан кейин) у ноилож Туркистон томон қочди. Абдуллатиф Самарқанд тахтини эгаллади. Гумашталари Шоҳруҳияга ҳам киритмаганларидан кейин, Улуғбек кўрагон Абулхайхайрхон ҳузурига ёлвориб боришни ўйлади. Аммо ота билан фарзанд ўртасида шафқат бўлиши лозимлигини андиша қилиб, бемурувват фарзанди олдига — Самарқандга келди... Ул бадбахт бошда отага иззату икром кўрсатиб, кўнглини олди. Аммо уни яна шайтон йўлдан уриб, дилида отани ўлдириш ҳирсини уйғотди. Самарқанд ёнидаги, Оби Сабуҳ (аслида Оби Сиёҳ бўлиши керак, яъни бугунги Обисиёб) бўйида ул олиму одил подшони шаҳид этдилар. Орадан етти ой ўтмай, ажал жаллоди ундан (Абдуллатифдан) ҳам интиқом олди. (Абдуллатиф) нима экқан бўлса, шуни ўрди. Албатта, золимлар оқибати шундайдир:

Шоҳ бўлмас отани
ўлдирган одам,
Ошмас олти ойдан, агар
бўлса ҳам...

Мирзо Улуғ кўрагоннинг азиз умри эллик саккиз йил бўлди. Хуросонда отасидан сўнг саккиз ой, отаси подшо эканида, Самарқандда қирқ йил ҳукмронлик қилди.

Бир азиз мана шу тарихни Мирзо Улуғбек вафотига айтган:

Чун Улуғбек илму ҳикмат
денгизи,
Ки набийлар динига ҳам
бўлди пушт.
Тотди шаҳидлик болини
Аббосдин,
Шул сабаб ҳарф тарихи —
«Аббос кушт».

Мавлонои муаззам Алоуддин Шошийким, илми ҳикматда замонасининг яктоси эди, машоихдан хожа Ҳасан Аттор... ва шоирлардан хожа Исматулло Бухорий билан Камол Бадахший... Мирзо Улуғбекнинг шарофатли даврида майдонга чиққан олимлар, тариқат машоихларию шоирлар жумласидандирлар.

Саҳифани Хуршид ДАВРОН тайёрлади.

ҲАМКАСБЛАР ИЖОДИДАН

ТУРКИСТОН—ОНАМ

Мулки Турон — қадим Туркистон,
Муқаддас юрт—ота маконим,
Сен Навоий, Бобур, Улуғбек,—
Буюк Темур — соҳибқироним—
Бешигини тебратган она.

Сен жаҳонга илму алжабрдан,
Сабоқ берган улуғ устозсан,
Сино бўлиб тиббий фалакда—
Чарақлаган қуёш — мумтозсан.
Ҳар жабҳада ўзинг ягона,

Қанча-қанча ёвуз босқинчи
Қонли тиғи бағрингни тилди.
Тоб беролмай куч-бардошингга—
Ўз чоҳига ўзи йиқилди,
Сен курашда ботир—мардона.

Сен меҳмондўст, сахий мезбонсан,
Сербарака, тўкин дастурхон.
Эшигидан келган кимсага—
Пешвоз чиққан қўлга тутиб нон.
Ҳар нокаслик сенга бегона.

Еринг — олтин, сувларинг —шарбат,
Зар унади, ҳатто чўлингда.
Бугун яна шукурлар бўлсин,
Истиқлолинг — эркинг қўлингда,
Бошинг узра қуёш парвона.

Куч бирликда, дўстликда қудрат,
Дарё бўлур бирлашиб ирмоқ.
Дили, дини, тили бир дўстлар—
Яшагаймиз сенда тинч, иноқ.
Туркистоним — онам, бир дона!..

ГЎЗАЛЛИК

Инсон гўзаллиги нимада, дея,
Тортишиб қолишди ногоҳ икки қул.
Бири зебу зийнат, кийимда, деса,
Бошқаси кўзларда, дер эди нуқул.

Узоқ тортишдилар ва лекин, аммо,
Жавоб тополмасдан бу топишмоққа,
Сўнгра йўл олдилар Расул олдига
Гўзаллик сирини ундан сўрмоққа.

Расулуллоҳ деди: — Эй, азизларим,
Гўзаллик на кийим ва на кўздадир,
Инсон гўзаллиги ҳар ерда, ҳар дам—
Дилни ром этгувчи ширин сўздадир.

ЧЎЛПОН

Туннинг сиёҳ пардасин йиртиб,
Кўк саҳнига сузиб чиқди ой.
Бутун борлиқ нурга кўмилиб,
Касб этди ўзгача чирой.

Бирдан ёвуз қора булутлар,
Ой юзини тўсиб олишди.
Ёруғликни севмаган жонлар,
Бир зумгина яйраб қолишди.

Тарқаб кетди яна булутлар,
Ой нурига беролмасдан дош.
Сўнгра баланд тоғлар ортидан,
Чиқиб келди нур сочиб қуёш.

Абдураҳмон ҚОДИРОВ,
Булунғур тумани халқ таълими бўлими мудири.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Очил АЛИЕВ!

Сизни умрингизнинг 75 баҳорини қаршилаганлигингиз билан чин дилдан муборакбод этамиз. Соғлиқ — саломатлик, хушчақчақлик доимо сизга ёр бўлсин.

Зангиота туман халқ таълими бўлими жамоаси.

Ҳурматли дадажонимиз Муҳаммад ХУДОЙҚУЛОВ!

Сизни туғилган кунингиз билан чин юрагимиздан муборакбод этамиз. Ёшларга техника ва санъат сирларини ўргатиб чарчаманг. Бизларни бахтимизга омон бўлинг!

Ҳурмат-эҳтиром билан турмруш ўртоғингиз Гулчеҳра ва фарзандларингиз Зилола, Маъмуржон, Муроджон, Гулноза, Комила ва Мақсуджон. Чироқчи тумани.

Ҳурматли Шомурод ЁҚУБОВ!

Таваллудингизга 60 йил тўлиши муносабати билан чин юракдан муборакбод этамиз. Сиҳат-саломатлик, узоқ умр, доимо ҳамроҳингиз бўлсин!

Косон туман халқ таълими бўлими жамоаси.

Ҳурматли Элмурод ЖАББОРОВ!

Сизни 60 ёшга тўлганингиз билан самимий қутлаймиз. Ёш авлодни тарбиялашдаги эзгу ишларингизда муваффақият ва оилавий бахт тилаймиз!

Улуғбек номидаги 50-ўрта мактаб жамоаси.

Ҳурматли Адҳам ҲАМДАМОВ!

Сизни кўпчилик ҳамкасбларингиз, ота-оналар, шогирдларингиз туманимизнинг етакчи педагоги, тажрибали жуғрофия ўқитувчиси сифатида беҳад ҳурмат қилишади.

Ушбу кун биз Сизни 60 ёшга тўлишингиз муносабати билан қутлаб, бахт-саодат, омад ҳамиша йўлдошингиз бўлиб қолишини тилаймиз.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 169-мактаб педагоглари жамоаси.

Ҳурматли Бегимқул ЧИННИҚУЛОВ!

Сизни барча шогирдларингиз ва Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги 22-мактаб жамоаси туғилган кунингизнинг 58 йиллиги ва иш фаолиятингизнинг 35 йиллиги билан қизғин табриклаб, узоқ умр, бахт-саодат тилайди.

БОҒЧАДА ТЕСТ УСУЛИ

«Маърифат» газетасининг шу йилги 10 март сонида эълон қилинган «Тест тарихини биласизми?» мақоласини қизиқиш билан ўқиб чиқдим.

Муаллиф Г. Асилованинг халқ таълимига оид бир қанча муаммолар ҳақидаги фикрлари жуда ўринли. Мақолада айтилганидек, бола гўдаклигиданоқ эътибор билан тарбияланса, маълум вақтдан сўнг ўзидаги қобилиятни намоён қилади. Бунинг учун биз тарбиячилар ниҳоятда эътиборли, масъулиятли бўлмоғимиз жоиз. Бу жиҳатдан, туманимиз мактабгача тарбия ходимларининг тест усули бўйича олиб бораётган ишлари диққатга сазовор.

Ўтган йил апрель ойида Қўқон шаҳридаги 26-болалар боғчасида тест усулини тажриба сифатида қўллаш бўйича илмий-амалий анжуман бўлиб ўтган эди. Шундан сўнг ўзаро маслаҳатлашиб, тест саволларини тузиб чиқдик. Ишни тайёрлов гуруҳларидан бошладик. Саъй-ҳаракатларимиз зое кетмади, ижобий силжишлар бўлди. Тажрибамиз педагогик кенгашларда, метод бирлашмаларда кенг ўрганилиб, тест усулини қўллаш ҳақида қарор қабул қилинди.

Бизнинг боғчамизда ҳам бу борада жиддий ҳаракат бошланди. Тест усулини қўллашда республика ўқув-методика маркази руҳий педагогик диагностика бўлими мутахассиси С. Абдуллаева ҳамда К. Носиров таҳрири остида тайёрланган «Кичкинтой», «Қизиқарли математика», «Олти ёшли болалар учун математик ўйинлар» каби қўлланмалардан фойдаланиб иш олиб бораяпмиз.

Хуллас, тест усулининг болалар боғчасида қўлланилиши яхши самара бермоқда. Эндиликда, боғчаларда тест усулини қўллашга оид методик қўлланмалар кўпроқ чоп этилса, ишимиз янада ривож топар эди.

З. НАСРИДДИНОВА,
Ўзбекистон туманидаги «Ғунча» болалар боғчасининг катта тарбиячиси.

• *Олий таълим ва фан янгиликлари*

ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Бухоро давлат университетида ўқитувчилар, олимлар ва талабалар ўртасида турли мавзуларда очиқ мулоқот ўтказиб туриш анъанага айланган. Яқинда тарбиявий ишларни юксалтириш, факультетлараро мусобақалар уюштириш каби мавзуларга бағишланган навбатдаги мулоқот бўлиб ўтди.

Унда университет ректори, профессор К. Муқимовнинг маърузаси тингланди. Музокараларда илмгоҳнинг илғор талабалари, факультетлар деканлари ва профессор-ўқитувчилар фаол иштирок этиб, келгуси режалар бўйича фикрлашиб олдилар.

Дилмурод ЖАББОР.

МУТАХАССИСЛИКЛАР ЯНГИЛАНМОҚДА

Самарқанд вилоятидаги 15-ҳунар-техника билим юрти мутахассислар тайёрлаш, ёшларга турли ихтисосликлар бўйича билим беришда вилоятдагина эмас, балки республикада ҳам танилган илм масканларидан бири. Эндиликда ана шу илмгоҳ давр тақозосига кўра, ёшларни ишбилармонликка ўргатишни йўлга қўйди.

Бу ерда таҳсил олаётган 600 нафардан зиёд йигит-қиз тикувчилик, механизаторлик, пайвандчилик, ҳайдовчилик касблари қаторида фермерлик, асаларичилик каби яна бешта ҳунар сирларини ўрганишмоқда.

Э. ТОНГОТАРОВ.

КАСБИЙ ТАЪЛИМ ТАЖРИБАЛАРИ

Бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтилаётган ҳозирги даврда халқ хўжалигининг барча тармоқларига малакали ишчи ходимлар етиштириб беришда республикамиздаги мавжуд 464 та ҳунар билим юртларининг ўзига хос ўрни бор.

Илғор педагогик ва ишлаб чиқариш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва амалиётга татбиқ этишда республика малака ошириш институтининг ёрдами катта бўлмоқда. Яқинда билим юртларининг услубиётчилари, ўқув ишлари бўйича директор муовинлари ҳамда тажрибали усталарнинг мавсумий ўқуви бўлиб ўтди. Улар бу ерда қисқа даврли тажриба алмашиш билан биргаликда, Тошкент шаҳридаги 55-ҳунар-техника билим юртидаги касбий таълим тажрибалари, янги дастгоҳларда ишлаш сирлари билан ҳам яқиндан танишдилар.

О. АБДУҚУДДУСОВ.

• *Мавзуга қайтиб*

КАШФИЁТ ХАЛҚ МУЛКИ

Олтмишинчи йиллар ўзбек кимёгар олимларининг олтин даври саналган эди. Ўша йилларда Фанлар академиясининг Президенти Ҳабиб Абдуллаев Москвага, Ленинградга аспирантурада ўқиш учун юборган ёш ўзбек йигитлари олимлик даражаларини эгаллаб, олган билимларини маҳаллий шароитга қўллаб, янги-янги кашфиётлар қилар эдилар.

Ўша пайтлар кимё фанлари номзоди, ҳозирда кимё фанлари доктори, профессор Пўлат Мансуровнинг олтмишинчи йиллар ўрталарида кашф қилган «Элементлар даврий системаси» жадвалининг янгича (оригинал) таҳлили ўз даврида аввало ўзбек кимёгарлари ва сўнг собиқ иттифоқ олимлари орасида тарғиб қилинмади, очиғроғи, тан олинмади. Вақт ўтиб у деярли унутилаёзди. Тўғри, ҳозирги ахборотлар ЭҲМларга кўчирилиб, улардан янги ва янги ахборотлар олиш имконияти туғилган замонда унинг аҳамияти бир оз сўнгандир. Аммо, унга ўз вақтида керакли эътибор берилганда Даврий системанинг ўзбек олими таклиф қилган янги, айланавий таҳлили катта илмий шов-шувга сабаб бўлиши шубҳасиз эди.

Худога минг шукрлар бўлсинки, олимнинг кашфиёти илмли халқ зиёлилари ичида унутилмаган экан. Қашқадарё вилояти Косон тумани халқ таълими бўлимининг олий тоифали методисти Ш. Ёқубов, шу туманнинг Гоголь номидаги мактаб ўқитувчилари Ш. Шойимова ва Т. Ёқубовлар «Маърифат» газетасининг 1993 йил 22 декабрь сонида профессор П. Мансуровнинг Элементлар даврий системаси ҳақида илиқ сўзлар айтишган. Халқ ичидан бўлган ижодий манба бизни ҳам қўлимизга қалам олишга даъват қилди. Дарҳақиқат, профессор П. Мансуровнинг маркази ягона бўлган етти айланадан иборат Элементлар даврий жадвали дунё олимлари томонидан таклиф қилинган юзларча даврий системалар ичида айтилган янги сўз. У етти асосий айланадан иборат. Айланаларнинг элементлар даврий чегарасини — орбиталарни ва уларнинг сонини (еттита) кўрсатади. Тўртинчи даврдан бошлаб асосий (расмда қуюқ) айлана орасида яна қўшимча узлуқ чизиқли (штрихли) айлана бор. Айланаларга, ҳар алоҳида даврга оид гуруҳ (1, 2, 3, 7) ва гуруҳчалар (4, 5, 6) элементлари жойлашган. Шунинг учун айланаларнинг умумий сони ўнта, яъни Менделеев системасидаги ўнта қатор соничадир.



Марказдан ҳисоблаганда, биринчи айлана — водород ва гелий орбитаси; иккинчи айлана — литий, бериллий, бор, карбон, азот, кислород, фтор, неон орбитаси; учинчи айлана — натрий, магний, алюминий, кремний, фосфор, олтингугурт, хлор, аргон орбитаси; тўртинчи айлана — калий, кальций, скандий, титан, ванадий, хром, марганец, темир, кобальт, никель орбитаси; бешинчи айлана — мис, рух ва бошқа шунинг кабилар. Кейинги икки айлана биргина тўртинчи даврга мансуб, шунинг учун улар орасидаги чизиқ узлукли. Маъжозий маънода бир даврдаги элементлар электронлари бир поғонадан иккинчи поғонага ўтиш учун таъқиқ йўқ.

Жадвал марказига яқин жойлашган элементлар содда элементлар бўлиб, улар марказдан узоқлашган сари мураккаблашади. Етти давр ва ўнта айлана туркумидан иборат айланавий система тўққиз секторга бўлинган. Ҳар қайси сектор элементлар гуруҳини белгилайди. Маълумки, гуруҳлар асосий ҳамда ёнаки бўлади. Асосий гуруҳ элементлари секторда чап томонда ва ёнаки гуруҳ элементлари эса ўнгроққа жойлаштирилган. Гуруҳларнинг тартиб рақамлари соат мили бўйича ошиб боради. Нолинчи секторда гелий, неон, аргон, криптон, ксенон, радон жойлашган. Биринчи сектордан водород, литий, натрий, калий, мис, рубидий, кумуш, цезий, олтин, франций жой олган. Иккинчи секторга эса бериллий, магний, кальций ва бошқалар жойлаштирилган. Тўққизинчи секторда темир, кобальт, никель, рутений родий, палладий, осмий, иридий, платина бор.

Профессор П. Мансуров жадвалида Менделеев элементлар даврий системасидаги каби ҳамма элементлар бир-бири билан боғлиқ ҳолда кетма-кет жойлаштирилган. Унинг яна бир эътиборга молик томони шундаки, учинчи гуруҳга тегишли лантанидлар ва актинидлар биргина секторга ўрнаштирилган. Эски системадаги қонуниятлар янги жадвалда ўзгаришсиз сақланган. Аммо бунда элементларнинг атом тузилиши яққол кўзга ташланади. Кимёгар олим ва педагогларнинг фикрича, профессор Пўлат Мансуров таклиф қилган элементлар даврий жадвали Қори-Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида плакат шаклида нашрга тайёрланса, у мактаб ва ўқув юртлари ўқитувчиларига кимёдан дарс беришда анча осонлик туғдиради.

Асфандиёр АЛОВИДДИНОВ,
Тошкент кимёвий технология институти профессори, кимё фанлари доктори.

ДАВРГА МОС ҚЎЛЛАНМА

Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида умуминсоний демократик ва гуманистик қадриятлар, халқимизнинг миллий анъаналари уйғунлигига асосланган демократик таълим концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозимлиги қайд этилган. Бу вазифа ўта муҳим, айни пайтда ниҳоятда мураккаб ва серқирра бўлиб, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари мутахассислари олдига ижтимоий-иқтисодий фанларни ўқитиш методикасини яратишдек муҳим вазифани қўяди. Педагогика фанлари номзоди И. Аллаёровнинг яқинда «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган «Кооператив хўжаликни бошқариш асослари» китоби мазкур ишни амалга оширишга хизмат қилиши билан диққатга сазовор.

Китоб бир қарашда тор доирадаги мутахассисларга мўлжаллангандек туюлса-да, бироқ дидактика назарияси билан шуғулланаётган тадқиқотчиларга, айниқса, ижтимоий-иқтисодий, савдо-тижорат ва бошқарув фанларини ўқитаётган педагоглар учун ҳам беқиёс аҳамиятлидир. Зеро, шу кунгача бу фанларни шакллантириш ва ўқитишнинг методикалари яратилмаган ҳамда уларга оид қўлланмалар деярли йўқ эди. Қўлланманинг яна бир ютуғи психология-педагогика фанининг сўнгги манбааларига асосланган тарзда яратилганлигидадир. Уни ёзишда муаллиф ўзининг узоқ йиллик тажрибасига, амалий педагогик фаолиятига ва илмий-педагогик тадқиқотлари натижаларига, илмий-дидактик хулосаларига таянган.

Қўлланмада бошқариш таълими мазмунини шакллантириш асослари, бошқариш билимлари дидактик табиати ва уларнинг хусусиятларини ўқув жараёнида ҳисобга олиш масалалари ҳам кенг ёритилган. Бундан ташқари, «Бошқариш» курсини ўқитиш методлари, тамойиллари, таълим усуллари ҳам батафсил баён қилинган, тегишли ўқув машғулотлари тавсифи келтирилган. Бунда мамлакатимиз матлубот кооперациясида амалга оширилаётган чуқур социал-иқтисодий ва ташкилий-бошқарув ислоҳотлар материалларидан ҳам кенг фойдаланилган.



Қўлланма «Кооператив хўжаликни бошқариш асослари» курси ўқув материали асосида ёзилган бўлса-да, бир қатор бошқарув фанларини, жумладан, «Хўжалик фаолиятини таҳлил этиш асослари», «Бухгалтерия асослари», «Хўжалик фаолиятини ташкил этиш асослари» фанларини ўқитишда ҳамда кооператив институти ва техникумлари талабалари, матлубот кооперацияси соҳасидаги малака ошириш курслари тингловчилари учун ҳам муҳим дастурдир.

З. СИРОЖЕВ,
Ўзбекбирлашувнинг раҳбар ва мутахассислар малакасини ошириш олий курслари мудири, иқтисод фанлари номзоди.

СПОРТ

СПАРТАКИАДА ҒОЛИБЛАРИ

Республика Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчилари ўртасида спортнинг стол тенниси, эркин кураш, юнон-рим кураши, миллий курашнинг фарғонача ва бухороча усуллари сингари турлари бўйича мусобақалари бўлиб ўтди.

Беллашувлар Бухоро, Самарқанд, Андижон шаҳарлари ва Тошкент вилоятининг Пискент шаҳрида ўтказилди. Мусобақаларда Бухоро шаҳридаги 1-БЎСМ, Тошкент вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли 3-БЎСМ, Тошкент шаҳридаги 11-БЎСМ, Пискент туманидаги БЎСМ, Олот туманидаги БЎСМ ўқувчилари ғолибликни қўлга киритдилар.

Мухбиримиз.

• *Инсон ва табиат*

БАЛИҚЧИЛАР САХОВАТИ

Бозорларимиз ва дўконларимизга файз киритиб турган, ошхоналаримизда турли таомлар тайёрланаётган етти хазинанинг бири — балиқ маҳсулотларини етиштираётган заҳматкашларнинг машаққатли меҳнатларини баъзан тасаввур этолмаймиз.

Пойтахт вилоятимизнинг Қуйи Чирчиқ туманида «Балиқчи» жамоа хўжалигида бир неча минг гектарни ташкил этган ҳавзаларда ўз касбининг фидойилари қиш-қировли кунларда ҳам, ёзнинг жазирама офтобида ҳам аҳолини сифатли балиқ билан таъминлаш учун астойдил ҳаракат қилишади. Балиқчилар билан суҳбатлашсангиз, уларнинг ишбилармонликлари ва табиат ошиғи эканликларига тўла ишонч ҳосил қиласиз. Сиз кўриб турган суратда балиқчи Саидғани Абдусаломов билан хўжалик раҳбари Баҳодир Хўжақуловлар савдога топшириладиган балиқлар сифатини кўздан кечиришаётир.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

ЎСМИР ВА ҚОНУН

НИҚОБЛИ ЖИНОЯТЧИЛАР

Акмал Икромов тумани ички ишлар бўлимига Бешқайрағоч маҳалласидаги ошхоналар идорасининг қоровулини оёқ-қўлини боғлаб, тўрт ниқобли йигит босқинчилик йўли билан ўғрилик қилишгани ҳақида шошилинч хабар келди. Жиноят-қидирув бўлимининг катта тезкор вакили, милиция майори Раҳматилла Шукуров ва тезкор вакил, милиция катта лейтенанти Мирсаид Саидакбаров шу жиноят юзасидан иш бошлайдилар. Суриштирув ва жиноий ишни ўрганиш жараёнида тўртала ўсмир топилди, уларнинг шахслари аниқланди, барча содир этилган жиноятларни тан олдилар. Улар нопок йўллар билан пул топишга, «ёшликда ўйнаб, айш-ишратда кун ўтказишга не етсин» қабилида яшаётган 17—18 ёшлардаги йигитчалар экан.

Бу қинғир йўлга кирган йигитларнинг тергов давомида 20 дан зиёд жиноятлари фош этилди. Хонадонлардан ва давлат мулкларини талон-торож қилишлари оқибатида аёллар ва эркаклар кийимлари, 6 та енгил машина аккумулятори, битта чангютгич, бир қути мактаб ошхонасидан ўғирланган кўк чой, бир неча минг юз сўм пул ва бошқа жуда катта миқдордаги моллар тортиб олинди.

Ҳозирда тергов ишлари давом этмоқда.

Мирзараҳим МАМАЖОНОВ,
Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси матбуот хизмати ходими.

ЭЪЛОН

Чинни идишга гул кўчирадиган (деколь) сотиб оламан. Тел: 54-91-85.

1988 йилда чиқарилган ТО УОТА — дизелини сотаман. Тел: 67-34-59.

Тошкент вилояти Чиноз тумани Бобур номидаги 9-ўрта мактаб жамоаси мактабнинг ҳарбий таълим ўқитувчиси

Тўхта КАРИМОВ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Чилонзор тумани халқ таълими бўлими, касаба уюшмаси 201-мактаб жамоаси шу мактабнинг собиқ муаллимаси, меҳнат фахрийси

Марҳамат ЭРГАШЕВА

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, Яккасарой туман халқ таълими бўлими, 89-ўрта мактаб педагогик жамоаси

Адиба ҒИЯСОВА

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусамп ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Умида Абдуазимова, Қурбонбой Матқурбонов.

ИНДЕКС: 64595. Буюртма Г.—859. 91934 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти— 20.00. Топширилди — 20.00. 123456.